



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АҚШ ЭЛЧИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 сентябрь куни мамлакатимиздаги дипломатик миссиясини якунлаётган Америка Қўшма Штатларининг Фавқуллодда ва Мухтор элчиси Дэниел Розенблумни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Дэниел Розенблумнинг Ўзбекистон — АҚШ стратегик шериклик муносабатларини ривожлантиришдаги ҳиссасини қайд этди.

Кейинги йилларда конструктив сиёсий мулоқот йўлга қўйилди. Биргаликдаги саяё-ҳаракатлар билан ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорлик кенгайиб бормоқда. Ўзаро савдо ҳажми ошмоқда, АҚШнинг етакчи компаниялари иштирокида қатор инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида икки томонлама дастурлар жорий этилмоқда.

ЎЗА

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” МАССИВЛАРИ

ОБОД ГЎШАГА АЙЛАНАЁТГАН “ҚОРАЯНТОҚ”

Жарқўрғон туманидаги Қораянтоқ маҳалласи ҳудудининг асосий қисми қумликлардан иборат. Қўчат ўтқазиб ёки экин экиб сўғорсангиз, сув бир зумда қумга сингиб кетади. Бу эса ниҳол ва зироатнинг дуркун ўсишига салбий таъсир кўрсатади.

Тўғриси айтиш керак, қумдан иборат заминга тонна-тонна гўн солиш, қайта-қайта ишлов беришга ҳаммининг ҳам бардоши, кучи, сабри етмайди. Шундай шароитда ҳам аҳоли бошқа жойлардан унумдор тупроқ келтириб, қумга аралаштириб, гўн ва ўғитлар солиб қайта-қайта ишлов бериш, лойқа сув билан кетма-кет сўғориш ҳисобига томорқаларида экин экиб, гул, мевали ва манзарали дарахтлар ўстиришяпти.

Қораянтоқ маҳалласи туман маркази яқинида, катта йўлнинг кунботар томонида жойлашган. Атрофда корхоналар кўп. Шунга қарамай, яқка тартибда уй-жой қуришга ер сўраганларга Қораянтоқ маҳалласини тавсия қилишганда ҳамма ҳам рози бўлавермайди.

Туманда йилдан-йилга аҳоли сони ўсиб борапти, шу билан бирга, уй-жойга талаб ҳам ортмоқда. Унумдор ерларда озиқ-овқат маҳсулотлари, пахта, ғалла етиштириш режалаштирилган. Шунинг учун туман раҳбарлари оқсоқоллар билан кенгашиб, намунали ва кўп қаватли уй-жойлар қуришга қишлоқ хўжалиги экинларига мўлжалланмаган ва паст рентабелли майдонлардан ажратишга қарор қилди.

Инсоннинг қадами етган жой обод бўлади, деган мақсадда замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида қуриладиган уй-жойларга энг қулай манзил деб Қораянтоқ маҳалласи ерлари танланди.

▶ Давоми 2-бетда

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

Бу йил Ўзбекистонда кенг қўламли ислохотларнинг, миллий тараққиётимизнинг иккинчи стратегик даври бошланди. Яъни 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни муваффақиятли бажариб, 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ижросига киришдик.

ЎЗБЕКИСТОННИ 2040 ЙИЛГАЧА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УЗОҚ МУДДАТЛИ ЁНДАШУВИ

бугунги ва эртанги ҳаётимизда қандай акс этади?

Энг аввало, стратегик ривожланиш йўли афзалликлари ва бу борада эришилган натижалар кўз олдимиздан ўтади. Умуман олганда, стратегия — санъат. Бошқарувни тўғри ва истиқболли режалаштириш санъати. Шу маънода, ислохотларнинг “Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари” тамойили асосида ривожланиши, халқимиз турмуш фаровонлигини таъмин-

лаш йўлидаги саяё-ҳаракатларимиз ҳам моҳирона бошқарув тизимидан дарак беради.

Гап шу ҳақда борар экан, Президентимиз мустақиллигимизнинг ўттиз бир йиллик байрамига бағишланган тантанали маросимдаги нутқда Янги Ўзбекистонни барпо этиш ва ривожлантиришнинг муҳим йўналишларини белгилаб берганини ҳам алоҳида тилга оламиз.

Ўзбекистон Республикаси Стратегик ривожланиш агентлиги директори Лазиз ҚУДРАТОВ билан суҳбатимиз ҳам давлатимиз раҳбари белгилаб берган янги вазифалар мазмун-моҳияти ва стратегик мақсадларга эришиш йўлидаги ҳаётини ташаббусларнинг амалий йфодаси ҳақида бўлди.

— Давлатимиз раҳбарининг мустақиллик байрамига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи барча-

мизда катта таассурот қолдирди, — деди Л.Қудратов. — Президентимиз таъкидлаганидек, бугунги Ўзбекистон — бу кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас. Мамлакатимиз пандемия ва глобал инқирознинг салбий таъсирларига қарамасдан, эркин, обод ва фаровон ҳаёт қуриш йўлидан дадил олға бормоқда.

▶ Давоми 3-бетда

УЛУҒ АЖДОДЛАРИМИЗ

БУЮКЛИК ҲАМ ТАЪЗИМ ҚИЛГАН ЗОТ

Ватан мустақиллиги ва озодлиги йўлида кўрсатилган қаҳрамонлик асло унутилмайди, хамиша халқ қалбида яшайди. Жалолиддин Мангуберди эл-юрт истиклоли учун курашган, бунга ўз ҳаётини бағишлаган аجدодларимизнинг буюк намояндасидир.

▶ Давоми 5-бетда

КУН МАВЗУСИ

ТАДБИРКОР ТАЙЁР “ХЎРАК” ЭМАС УНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИ ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА

Дунё таърибасида ишбилармон доира вакиллари билан ишлашнинг турли механизмлари мавжуд. Аксарият давлатлар тадбиркордан манфаатдор бўлгани ҳолда, уларнинг фаолияти ривожини учун кенг йўл очиб беришга интилади. Мамлакатимизда охириги йилларда тадбиркорларни том маънода қўллаб-қувватлаш, эркин фаолияти учун шароит яратиш бўйича ҳам ҳуқуқий, ҳам амалий асослар яратилляпти. Айниқса, ўтган йилдан бошлаб давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлар билан ўтказиётган очиқ мулоқоти жаҳон таърибасида янгилик, десак муболага эмас.

▶ Давоми 4-бетда



Ҳаким Йўлдошев олган сурат.

САФАРНОМА

Шоҳ ва шоир тошбитиги

Келдим бу сори ўз ихтиёрим бирла,
Лекин боруримда ихтиёрим йўқтур.

Заҳириддин Муҳаммад БОБУР

Бобур номидаги халқаро илмий экспедиция навбатдаги манзилга отланди. Сафар ҳақида айтишдан олдин эслатиб ўтиш керакки, тупроғи зар, тошлари гавҳар Тожикистон диёри, Сўғд вилоятининг Тоғли Мастчоҳ туманидаги Оббурдон қишлоғига дастлабки экспедиция 2009 йил кузига уюштирилган. Бу ердаги Бобур Мирзо тошбитиклари имкон қадар ўрганилган, илмий сафар тафсилотлари бир неча китоб ҳамда “Бобур изидан” ҳужжатли фильмга муҳрланган.

Оббурдон тошбитикларида, асосан, шоҳ ва шоирнинг ўзидан аввалги мумтоз шоирлар, хусусан, буюк Ҳофиз Шерозий адабий меросига бўлган ихлоси акс этган.

Тожикистон ФА академиги, атоқли олим Аҳрор Мухторов бундан 70 йил муқаддам Оббурдондаги Бобур тошбитикларидан намуналарни Душанбенинг нуфузли музейларига

олиб кетган. Аҳрор Мухторов асли ўратепалик бўлиб, Иккинчи жаҳон урушидан олдин Оббурдон, Шамтуч, Вешаб қишлоқларида муаллимлик қилган. У қадимий эпиграфик ёзувлар бўйича илмий ишлари билан Тожикистон ва ундан ташқарида ҳам кенг танилди.

▶ Давоми 6-бетда

ИФТИХОР

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз бир йиллиги мен учун алоҳида ёдда қоладиган муҳим санага айланди. Байрам олдидан Президентимиз фармони билан “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган sanoat ходими” фахрий унвони билан мукофотландим.

МАҚСАДИМИЗ БИТТА: ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, сифатни янада яхшилаш

Очиғи, давлатимиз раҳбарининг корхонамизга шу йил 12 августдаги ташрифи таассуротлари, истиқлолимиз шодиёналари шуқуҳи билан яшаётган бир пайтимида мукофот берилиши кўнглимни осмон қадар кўтариб юборди. Бу унвон жоноҳон комбинатимиз, ҳамкасбларимнинг меҳнатда эришаётган ютуқлари самараси, деб биламан.

Янги Ўзбекистоннинг янги қиёфасини яратиш йўлида юртимиз улкан бунёдкорлик майдонига айланди. Шаҳарлардан тортиб чекка қишлоқларда ҳам тарихий янгиланиш жараёни кечяпти, улкан қурилишлар, йирик sanoat лойиҳалари амалга оширилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, қора металл талабни кескин оширяпти. Ўсиб бораётган ушбу талаб эса ўз-ўзидан “Ўзметкомбинат” АЖ зиммасига катта масъулият юклайди.

11 минг ишчи-мутахассис меҳнат қилаётган корхонамиз нафақат Ўзбекистон, балки минтақамиздаги йирик sanoat объектларидан биридир. Сўнгги йилларда комбинатимиз фаолиятини кенгайтириш, ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, қатор инвестиция лойиҳалари амалга оширилиб, янги цехлар ишга туширилди, мавжудлари модернизация қилинди.

Бу, албатта, комбинатимиз ишлаб чиқариш салоҳиятига ижобий таъсир қилляпти. Хусусан, 2021 йилда 1 миллион 75 минг тоннадан зиёд қора металл маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, 2022 йил якуни бўйича 1 миллион 80 минг тоннага етказишни мақсад қилганмиз.

Комбинатимиз эришаётган муваффақиятларда бизнинг золдир прокати цехининг ҳам муносиб ҳиссаси борлигидан фахрланаман.

Олмалик ва Навоий кон-металлургия комбинатларининг пўлат золдирга эҳтиёжи тобора ошиб бормоқда. Шуни ҳисобга олган ҳолда, комбинатимизда бу маҳсулотни ишлаб чиқаришни кўпайтиришга катта эътибор қаратилляпти. Ўтган йили



1-қиздирув печи реконструкция қилиниб, йилига 250 минг тонна пўлат золдир ишлаб чиқариш қуввати яратилди. Натижада ўша йилнинг ўзидаяқ золдир ишлаб чиқариш ҳажми олдинги йилдагига нисбатан 57 минг тонна ошди. Ўтган йили мана шундай кескин ўсиш орқали 240 минг тонна маҳсулот тайёрлаган бўлсак, шу йил тўлиқ лойиҳа қувватига эришишни кўзлаямиз.

Бу охириги йилларда амалга оширилган ишлар самараси. Ҳали олдинда белгиланган режалар кўп. Мақсадимиз эса битта: цехимиз маҳсулотларига йилдан-йилга ошиб бораётган талабни қондириш, таннархини арзонлаштириш ва сифатини янада яхшилаш.

Бу йўлда давлат мукофоти кучимга куч, ғайратимга ғайрат қўшади. Менга билдирилган юксак ишончни оқлаш учун бор билим ва тажрибамни ишга солиб, цехимиз, комбинатимиз, пировардида, Ватанимиз тараққиёти йўлида янада самарали меҳнат қилишда давом этаман.

Омонбек АЛИМАТОВ,
“Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖ золдир прокат цехи катта устаси

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” МАССИВЛАРИ

ОБОД ГЎШАГА АЙЛАНАЁТГАН “ҚОРАЯНТОҚ”

Бошланиши 1-бетда

Шу тариқа маҳалла ҳудудида 2012–2015 йиллар орасида ҳар бири 6 сотих ер майдонига эга 3 ва 4 хонали намунали уйлардан 75 таси бунёд этилди. Шунингдек, 2 сотих ер майдонига эга 48 та 2 ва 3 хонали замонавий уйлар қад ростлади. Янги уйлар қурилиши муносабати билан маҳалла ҳудудига табиий газ, ичимлик сув тармоқлари тортилди. Савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталари, новвойхона, ошхона қурилди.

Янги уйларга кўчиб қирганлар ҳисобиға маҳалла аҳолиси сони кўпайди. Ўзбекининг феъли шундай: бир парча ер бўлса ҳам обод қилсам, экин эксам дейди. Янги уйларда яшовчилар ҳовлилари, уйлар, йўлар четидаги қўмлоқ ерларга ишлов бериб, гўнг солиб, мевали ва манзарали дарахтлар ҳамда турфа анвойи гуллар экишди. Яқин атрофдан оқар сув келтирилди. Қарабсизки, уч-тўрт йил орасида уйлар, хизмат кўрсатиш нуқталари, дўконлар, йўлар чети дарахтзор ва гулзорга айланди, чор-атроф яшилликка бурканди. Бу-гун Қораянтоқ ўн-ён беш йил илгаригидек шомол турса қум-чанг тўзони кўтарилиб, ҳувиллаб ётадиган дашт эмас, балки кўплар ҳавас қиладиган обод масканга айланган. Уйларга боқиб, ҳавасингиз келади. Уйлар равон, асфальтланган. Айниқса, симёғочларга ўрнатилган чироқлар тунда ёқилганда ҳаммаёқ нурафшон бўлиб, обод шаҳарни эслатади. Айнан шунинг учун ҳам охириги йилларда аҳоли, айниқса, ёш оилалар Қораянтоқ маҳалласидаги замонавий уйларда яшашни орзу қилмоқда.

Аҳолининг уй-жойга бўлган талабини қондириш мақсадида маҳалла ҳудудида замонавий кўп қаватли уйлар қурилишга хусусий пудрат ташкилотлари кенг жалб қилинмоқда. Ҳозирда хусусий қурилиш корхоналари томонидан бир йўлаки ҳар бири 20 та хонадонга мўлжалланган бешта 5 қаватли уй барпо этиляпти. Жорий йилнинг май ойида эса кам таъмин-

ланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар учун арзонлаштирилган, ҳар бири 20 та хонадонга мўлжалланган бешта 5 қаватли уй қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шу уйлардан бирида яшаётган Сайёра Норалиева билан суҳбатлашдик.

— Марҳамат, уйга кириб кўринглар, ҳамма шароити бор, хоналар катта-катта, — дейди Сайёра опа. — Шинам ва ёруғ, жўмракни очишингиз



билан совуқ ва иссиқ сув келади, табиий газ ҳамда чироқ ўчмайди. Шўр қиламиз уйли бўлганимизга...

Аҳоли сони кўпаяётгани инобатга олиниб, маҳалла ҳудудидаги 46-умумтаълим мактабига қўшимча 300 ўринли ўқув биноси қурилмоқда. Мактаб ёнида 120 ўринли давлат мактабгача таълим ташкилоти биноси қад ростлаяпти. Яқинда маҳалла ҳудудидан бир неча тадбиркорларга аукцион савдо орқали 3–5 сотихдан ер ажратилди. Бу жойларда ишбилармонлар савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари қурмоқда.

Президентимизнинг 2021 йил 9 декабрдаги “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармониға асосан, Сурхондарё вилоятининг бошқа

““

ИНСОННИНГ ҚАДАМИ ЕТГАН ЖОЙ ОБОД БЎЛАДИ, ДЕГАН МАҚСАДДА ЗАМОНАВИЙ ШАҲАРСОЗЛИК ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА ҚУРИЛАДИГАН УЙ-ЖОЙЛАРГА ЭНГ ҚУЛАЙ МАНЗИЛ ДЕБ ҚОРАЯНТОҚ МАҲАЛЛАСИ ЕРЛАРИ ТАНЛАНДИ. ШУ ТАРИҚА МАҲАЛЛА ҲУДУДИДА 2012–2015 ЙИЛЛАР ОРАСИДА ҲАР БИРИ 6 СОТИХ ЕР МАЙДОНИГА ЭГА 3 ВА 4 ХОНАЛИ НАМУНАЛИ УЙЛАРДАН 75 ТАСИ БУНЁД ЭТИЛДИ.

“Янги Ўзбекистон” массивида шу йилнинг ўзида 20 та кўп қаватли уй-жойдан ташқари, 330 ўринли мактаб ҳамда 50 қатновга мўлжалланган қишлоқ оилавий поликлиникаси қад ростлаяди.

— Келгусида “Янги Ўзбекистон” массивида кўплаб уй-жойлар, савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталари бунёд этилишини инобатга олиб, ичимлик сув билан таъминлаш ҳамда оқова сувларни канализацияга улаш учун кенг қўламли лойиҳа тайёрланган, — дейди Жарқўрган тумани бош меъмор Соатмурод Ҳайитов. — Ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектлари ҳамда муҳандислик-коммуникация тармоқлари қурилишини жадаллаштириш учун хусусий пудрат ташкилотлари жалб этилиб, бу борада 23 миллиард сўмлик ишлар бажарилади.

— Эл кўпайгани бойлик, — дейди мазкур маҳалла фуқаролар йиғини раиси Маматмурод Жумаев. — Маҳалламизда кўплаб уй-жойлар қурилиши муносабати билан нафақат аҳолимиз сони ортиб борапти, шу билан бира, ҳудудимиз кун сайин чироқ очиб, обод бўляпти. Бундан ўн-ён беш йиллар аввал бу қўмликлар бағрида шунчалик улкан ишлар амалга оширилишини ҳеч ким ҳаёлига ҳам келтирмасди. Давлатимиз бой ва қудратли эканини маҳалламизда бажарилаётган беқиёс ўзгаришлар мисолида кўриб турибмиз. Бошқача айтганда, Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз эканлиги ҳар бир гўшада ўз исботини топяпти.

Усмонали НОРМАТОВ,
журналист

ЎЗБЕКИСТОН БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯГА СОДИҚЛИгини ЯНА БИР БОР ТАСДИҚЛАДИ

31 август — 1 сентябрь кунлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитасининг 91-сессияси доирасида БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси қоидаларининг бажарилиши юзасидан Ўзбекистоннинг бешинчи даврий маърузаси кўриб чиқилди.



““

МУЛОҚОТ ЖУДА КОНСТРУКТИВ РУҲДА КЕЧДИ. БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯ ҲАМДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ТУЗИЛМАЛАР АЪЗОЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИЖТимоий-ИҚТИСОДИЙ ВА СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ СОҲАЛАРДАГИ ТУБ ИСЛОҲОТЛАРДАН ЮКСАК ХАБАРДОРЛИгини НАМОЁН ЭТДИ.

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция (БҲҚ) 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган бўлиб, 196 мамлакат унинг қатнашчиси. Ўзбекистон ушбу ҳужжатга 1992 йил 9 декабрь куни қўшилган.

Ўзбекистоннинг БҲҚ қоидаларини бажариши бўйича биринчи миллий маърузаси 2001 йил октябрь ойида, иккинчиси 2006 йил майда, учинчи ва тўртинчи қўшма маърузалар 2013 йил май ойида кўриб чиқилган.

Бола ҳуқуқлари бўйича қўмита конвенция қоидаларининг барча иштирокчи давлатлар томонидан бажарилишини кузатиб боради. Унинг аъзолари 18 мустақил экспертдан иборат бўлиб, улар ўз ишларини шахсий ҳолида амалга оширади, яъни ўз ҳуқуқматлари вакили сифатида фаолият кўрсатмайди.

Ўзбекистон делегацияси таркибидан Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Олий суд, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вазириликлари ҳамда Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси вакиллари жой олди.

Мулоқот жуда конструктив руҳда кечди. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро тузилмалар аъзолари Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий соҳалардаги туб ислохотлардан юксак хабардорлигини намоён этди.

Икки кунлик тадбир давомида БҲҚ аъзолари томонидан конвенция қоидаларининг бажарилиши ва тегишли қонунчилик асослари қабул қилиниши юзасидан 200 га яқин савол берилди.

Ўзбекистон вакиллари бола ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, жумладан, болаларнинг энг муҳим манфаатларини таъминлаш чора-тадбирлари, болалар камситилишига йўл қўймаслик, болаларнинг оилада яшаши ва тарбияланиши, таълим олиши, малакали табиий ёрдамдан фойдаланиш ҳуқуқлари, болалар мажбурий меҳнатига йўл қўйилмаслиги бўйича батафсил маълумотлар тақдим этиш баробарида берилган саволларга муфассал жавоб қайтарди.

Халқаро экспертлар Ўзбекистонда болалар ҳуқуқларини илгари суриш бўйича интилишни юқори баҳолаб экан, тақдим этилган маърузанинг ҳар томонлама кенг қамровлиги, мазмундор ва пухталлиги, шунингдек, мулоқот давомидаги очик ҳамда конструктив ёндашув учун Ўзбекистон томонига самимий миннатдорлик билдирди.

Женева

“Дунё” АА



ЎЗБЕКИСТОН ТИВ РАҲБАРИ ГЛОБАЛ САЙЁҲЛИК ФОРУМИДА СЎЗГА ЧИҚДИ

Ўзбекистон ташқи ишлар вазири вазифасини бажарувчи Владимир Норов бошчилигидаги делегация Брюссель шаҳрида “Европа етакчилари саммити — 2022” глобал сайёҳлик форумида иштирок этди.

Тадбирда Жаҳон сайёҳлик форуми институти бош қотиби Топиб Рифойи, мазкур муассаса президенти Булут Боғчи, Европа парламенти депутатлари, дунёнинг етакчи сиёсатчилари, туризм соҳаси, авиация органлари ва транспорт компаниялари вакиллари қатнашди.

Форум давомида туризм тараққиётига қўмлаштириш, соҳага тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш, халқаро миқёсда мамлакатлар имижини тарғиб қилиш ва қўллаб-қувватлаш, чет элда миллий сайёҳлик брендини ривожлантириш мақсадида илғор билим ва кўникмаларни жорий этиш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон делегацияси вакили “Инвестициялар, ўзаро боғлиқлик ва меҳмондўстлик” мавзусида маъруза қилиб, мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти, миллий иқтисодиётнинг стратегик тармоқларидан бири бўлган туризм

соҳасини қўллаб-қувватлаш бўйича ислохотлар ҳақида маълумотлар тақдим этди.

Ўзбекистон маданий мероси ва сайёҳлик салоҳиятига бағишланган лавҳалар намоиши этилди.

Форум иштирокчилари Ўзбекистонда туризм жаҳасини ривожлантириш, мамлакатнинг бу борадаги салоҳиятини ошириш, уни жаҳон сайёҳлик марказларидан бирига айлантириш саъй-ҳаракатларини юқори баҳоладилар.

Тадбир иштирокчилари 2023 йилда Хива ва Самарқанд шаҳарларида бўлиб ўтадиган “Европа Иттифоқи — Марказий Осиё” туризм форуми ҳамда Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош Ассамблеясининг 25-сессиясига таклиф этилди.

Брюссель

“Дунё” АА

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

ЎЗБЕКИСТОННИ 2040 ЙИЛГАЧА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УЗОҚ МУДДАТЛИ ЁНДАШУВИ БУГУНГИ ВА ЭРТАНГИ ҲАЁТИМИЗДА ҚАНДАЙ АКС ЭТАДИ?

Бошланиши 1-бетда

Президентимиз ўз нутқида юртимизни янада тараққий эттиришнинг бешта муҳим йўналишида амалга ошириладиган ишларни алоҳида белгилаб берди. Бугун шу йўналишларда аниқ режалар тузиб, олдимизга катта мақсадларни қўйганмиз. Бу йўлда, албатта, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси барчамиз учун муҳим дастуруламал вазифасини ўтайди.

— Президентимиз раҳбарлигида эриш-лаётган ҳар бир ютуқ ва натижалар самарадорлиги, албатта, стратегик ривожланиш тамойилларига ўтилгани билан изоҳланади. Шу маънода, бугун сиз раҳбарлик қилаётган агентлиқнинг асл мақсадлари ҳам ойдинлаша бошлайди. Айтинг-чи, стратегик ривожланиш, деганда қандай йўлни тушуниш керак.

— Жадал ривожланиш, жаҳон иқтисодиётидаги ва геосиёсатдаги ўзгаришлар даврида мамлакат ва унинг ҳудудларини барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда янги ёндашув ва воситалардан фойдаланиш эҳтиёжи юзага келади. Стратегик тараққиёт йўли ана шундай муҳим жараёнда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўналишларини белгилашни назарда tutувчи чора-тадбирлар мажмуидир. Ўзбекистон бу борадаги ислохотларни амалга оширишда изчиллик ва узвийлик йўлини танлади. Асосий мақсадимиз демократиянинг умумэтироф этилган меъёрларига, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига, халқро ҳам-жамият билан дўстлик ва ҳамкорлик тамойилла-рига таянган ҳолда, кўп миллатли халқимиз учун эркин, обод ва фаровон ҳаётни таъминлашдан иборат. Шу боис, бугунги кунда агентлик стратегик режалаштириш тизимини жорий этиш масаласини ўз фаолиятининг устувор йўналишларидан бири сифатида кўрмоқда.

Энди “стратегик ривожланиш” атамасига тўх-таладиган бўлсак, бу тушунча кенг маънога эга бўлиб, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳаларда юқори мақсадларга эришишга қаратилган усуллар ва йўналишларни англатади. Ушбу тушунчани айнан Стратегик ривожланиш агентлиги нуктаи назаридан изоҳлайдиган бўл-сак, ташкилотимиз фаолиятининг аниқ йўналиш-лари Президентимизнинг 2021 йил 19 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Стратегик ривожла-ниш агентлигини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида белгиланган. Хусусан, ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқлари рақобатбар-дошлиги, жозибадорлиги ва экспорт салоҳиятини янада ошириш учун шарт-шароит яратишга қара-тилган стратегик масалаларни ўрганиш ва улар-ни такомиллаштириш, инвестиция фаолиятининг истиқболли тармоқ ва йўналишларини аниқлаш, инвестицияларни жалб этиш, лойиҳаларни амал-га ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш устувор вазифамиздир.

— Стратегик ривожланиш соҳасида Ўзбе-кистон учун қайси илгор давлатлар модели намуна бўла олади ёки ўрганиш мумкин ва бу бизга нима беради?

— Стратегик ривожланишга доир халқаро таж-рибани ўрганишда БАА, Малайзия, Саудия Ара-бистони, Сингапур, Буюк Британия, Франция ва

АҲОЛИ ТУРМУШINI ЯХШИЛАШ ВА ТАДБИРКОРЛАР ФАОЛЛИГINI ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ДОЛЗАРБ ТАКЛИФЛАР РЎЙХАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ БОРАСИДА АГЕНТЛИК МУТАХАССИСЛАРИ ТОМОНИДАН ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАЛАРИГА КЕЛИБ ТУШГАН 801 МИНГ 519 МУРОЖААТ ЎРГАНИЛИБ, ТИЗИМЛАШТИРИЛДИ. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИГА ОИД МУРОЖААТЛАРДА КЕЛТИРИЛГАН МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШДАГИ ТАКЛИФЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ УЧУН 25 ТА ВАЗИРЛИК ВА ИДОРА БИЛАН МУҲОКАМАЛАР ЎТКАЗИЛДИ.

Россия каби мамлакатларнинг ёндашувларини алоҳида қайд этиш мумкин.

Стратегик режалаштирилган марказлаштирилган тартибда, назорат остида стратегик режалашти-ришнинг иерархик тизимини куриш имконини бе-ради. Ушбу тизимда ҳукумат асосий ривожланиш мақсадларини белгилайди. Бу эса харажатларни назорат қилиш, давлат бошқаруви органлари фао-лиятини мувофиқлаштириш, жамоатчилик, илмий доиралар ва бизнес ҳамжамияти билан ўзаро ҳамкорлиқни йўлга қўйиш, узоқ муддатли, барқа-рор жаҳон трендларини ўрганиш ва ҳодисалар рив-жожи сценарийларини режалаштириш имконини беради.

— Агентлик ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлмади. Утган қисқа вақтда қандай муҳим лойиҳаларни амалга оширишга муваф-фақ бўлинди ва натижаларга эришилди?

— Агентлик ўз вазифаларни доирасида, хусу-сан, мамлакатда инвестиция муҳитини ва ташқи савдо фаолиятини такомиллаштириш, ҳудудлар рақобатбардошлигини ошириш учун шароит яра-тиш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш йўналишида доимий равишда ахборот-таҳлилий тадқиқотлар ўтказмоқда, муаммоларни аниқлаб, ҳал қилиш бўйича таклифлар тақдим этмоқда. Иқтисодиёт тармоқларини ислоҳ қилишга доир муҳим тизимли муаммолар ечимини ишлаб чиқиш мақсадида тадбиркорлар билан мунтазам уч-рашувлар ташкил қилинмоқда. Стратегик режа-лаштириш тизимини таъбиқ этиш мақсадида ама-лий чоралар ва тизимнинг асосий йўналишлари



белгиланган, стратегик ҳужжатларни тизимли ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва назорат қилиш механизмининг асослари шакллантирилган.

Мамлакатни 2040 йилгача ривожлантиришнинг узоқ муддатли ёндашувини ишлаб чиқиш бўйи-ча ишлар олиб борилмоқда. Бу мамлакатни узоқ муддатли истиқболда ривожлантиришни белги-лаб берувчи стратегик ҳужжатдир. Инсон қадрни стратегик ривожланишнинг асосий тамойили бў-либ, янги стратегик ёндашув сифатида қабул қи-линаётган қарорлар ва ишлаб чиқиётган ривож-ланиш стратегиялари бошида инсон эҳтиёжлари ва хоҳиш-истаклари туриши бугунги ислохотлар-нинг муҳим аҳамиятини намоён этади.

Халқро экспертлар иштирокида эркин иқти-содий зоналар фаолияти ўрганилди. Ўрганиш натижалари бўйича Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда махсус иқти-содий зоналар фаолиятини такомиллаштириш ва инвесторларга қулай шароит яратишга қар-тилган таклифлар ишлаб чиқилди ва тегишли ҳужжат лойиҳаси давлат раҳбарига киритилди. Президентимизнинг фармони қабул қилин-ди. Фармон билан махсус иқтисодий зоналар фаолияти самарадорлигини оширишга йўналти-рилган бир қатор чора-тадбирлар белгиланди. Бундан ташқари, махсус иқтисодий зоналарни бошқариш тизимини янада мувофиқлашти-риш мақсадида катта тажрибага эга бўл-ган хорижлик хусусий операторлар бил-лан ҳамкорлик ўрнатиш масаласи ҳам кўзда тутилмоқда.

Шу кунларда агентлигимиз Та-раққиёт стратегиясида белгилан-ган вазифалар ижроси бўйича бир қатор лойиҳаларни амалга ошир-моқда. Хусусан, БАА Ҳукумат ишлари вазирлиги билан ҳам-корликда мамлакат раҳбарияти учун “Dashboard” ташкил қилиш махсус дастурий мажмуасини ишлаб чиқиш устида иш бор-япти. Мазкур тизимнинг таъбиқ

этилиши миллий тараққиёт стратегиялари амалга оширилишини, алоҳида мақсад ва дастурлар ке-симиди энг муҳим ўсим кўрсаткичларини, вазир-лик ва идоралар натижадорлигини, бюджетнинг давлат дастурлари кесимиди ўзлаштирилишини мониторинг қилиш имконини беради.

— Агентлик тадбиркорлардан ҳуқуқлари-ни ҳимоя қилиш, юртимизда тадбиркорлик, ишбилармонлик муҳитини яхшилашга қандай ҳисса қўшмоқда?

— Инвестиция муҳитини яхшилаш ва тадбир-корлиқни ривожлантириш мақсадида агентлик мутахассислари халқро экспертлар билан бир-галикда эркин иқтисодий зоналар фаолиятини тақомил-лаштириш ва инвесторларга қулай шароит яра-тиш борасида таклифлар ишлаб чиқилди ва Президентга ҳужжат лойиҳаси сифатида қир-тилди. Президентимизнинг 2022 йил 13 июндаги “Махсус иқтисодий, кичик саноат, ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари фаолияти самарадор-лигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди.

Фармонга кўра, махсус иқтисодий зоналар маъмурий кенгашлари тугатилиб, уларнинг вазифалари махсус иқтисодий зоналар дирекцияла-рига юклатилди. Бу билан дирекциялар ваколати оширилди. Мисол учун, олдинлари инвестиция лойиҳаларининг бизнес-режа ёки техник-иқти-содий асослари учун “Лойиҳалар ва импорт

Давр нафаси

контрактларини комплекс экспертиза қилиш мар-кази” ДУК хулосасини олиш талаб қилинар эди. Эндиликда бу хулосалар дирекциялар томонидан мустақил равишда қабул қилинади.

Аҳоли турмушини яхшилаш ва тадбиркор-лар фаоллигини оширишга қаратилган долзарб таклифлар рўйхатини шакллантириш борасида агентлик мутахассислари томонидан Халқ қабул-хоналарига келиб тушган 801 минг 519 мурожаат ўрганилиб, тизимлаштирилди. Тадбиркорлик фао-лиятига оид мурожаатларда келтирилган муаммо-ларни ҳал этишдаги таклифларни ишлаб чиқиш учун 25 та вазирлик ва идора билан муҳокамалар ўтказилди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг тадбир-корлар билан очик мулоқотига тайёргарлик бўйи-ча штабга келиб тушган 7000 дан зиёд мурожаат ўрганилди. Улардан 6621 таси тадбиркорларнинг индивидуал муаммолари, 549 таси тизимли му-аммоларни ҳал этиш бўйича таклифлардан ибор-ат эди. Ўрганиш натижалари бўйича Стратегик ривожланиш агентлиги томонидан инвестиция муҳитини яхшилаш ва тадбиркорлиқни ривожлан-тиришга қаратилган таклифлар давлатимиз раҳ-барига тақдимот қилинди.

— Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривож-лантириш бугунги ислохотларнинг устувор йўналишига айланди. Бу борада агентлик қан-дай чора-тадбирларни амалга оширмоқда ва қандай натижаларга эришилди? Истиқболдаги режалар ҳақида ҳам маълумот бериб ўтсангиз.

— Стратегик ривожланиш агентлиги зиммаси-даги вазифалардан бири иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларнинг инвестициявий жозибадорли-ги рейтингини шакллантиришдир. Шу боис, ҳу-дудларнинг инвестиция муҳитини ҳар томонла-ма баҳолаш ва инвестицияларни жалб этишда соғлом рақобатни, бизнес юритиш учун қулай шарт-шароит яратишдаги муаммоларга ечим то-пишда давлат органлари фаолияти самарадор-лигини баҳолаш мақсадида “Ўзбекистон Респу-бликаси ҳудудлари инвестиция муҳити миллий рейтингни” шакллантирилди.

Миллий рейтинг хорижий экспертлар таж-рибасига таянган ҳолда ишлаб чиқилди.



Ушбу рейтинг 2 қисмдан — статистик маълумот-лар таҳлили орқали ҳудуддаги инвестиция са-лоҳиятини, экспертлар фикри ҳамада тадбиркор-лар ўртасида сўров ўтказиш орқали эса бизнес юритиш қулайлигини баҳолашдан иборат.

“Ernst & Young” компанияси кўмағида умумий ва Махсус Тўпланган бўйича тадбиркорлик субъект-лари ўртасида сўровнома ўтказилди. Натижалар-га кўра, энг яхши ва энг ёмон амалиётлар асосида ҳар бир ҳудуднинг инвестиция талаблари бўйича стандарт ишлаб чиқиш назарда тутилган. Ҳудуд стратегияси инвестициявий устувор йўна-лишларни, жумладан, ривожлантиришнинг илгор технологиялари, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот-лар, ишлар ва хизматлар турлари, амалга ошири-лиши режалаштирилган лойиҳаларни белгилаши керак. Стандартни жорий қилишни сынаб кўриш учун тажриба ҳудуди танланиши мумкин. Бу соҳа-да давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини рағбатлантириш тизимини яратиш, ҳудудларнинг инвестиция муҳитини яхшилашга қаратилган операция ҳамада стратегик вазифаларни амалга ошириш салоҳияти ва самарадорлигини баҳолаш, ҳудудларга сармоялар оқимини оширишга ёрдам беради.

Бугунги кунда рейтинг тўлиқ шаклланган. Унинг методологияси, аҳамияти ва долзарблиги ҳақида барча ҳокимиятлар мутахассислари учун тушунти-риш ишлари олиб борилаяпти. Бунинг учун доимий равишда онлайн конференциялар ўтказиляпти. Тез орада рейтинг натижалари эълон қилинади.

— Сизнингча соҳани янада ривожлантириш учун қандай ислохотларни амалга ошириш зарур?

— Биринчи навбатда, мамлакатда страте-гик режалаштириш тизимининг институционал



“МИЛЛИЙ РЕЙТИНГ ХОРИЖИЙ ЭКСПЕРТЛАР ТАЖРИБАСИГА ТАЯНГАН ҲОЛДА ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ. УШБУ РЕЙТИНГ 2 ҚИСМДАН — СТАТИСТИК МАЪЛУМОТЛАР ТАҲЛИЛИ ОРҚАЛИ ҲУДУДДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ САЛОҲИЯТИНИ, ЭКСПЕРТЛАР ФИКРИ ҲАМДА ТАДБИРКОРЛАР ЎРТАСИДА СЎРОВ ЎТКАЗИШ ОРҚАЛИ ЭСА БИЗНЕС ЮРИТИШ ҚУЛАЙЛИГИНИ БАҲОЛАШДАН ИБОРАТ.

барқарорлигини таъминлаш керак. Мазкур соҳа-га оид қонunchилиқнинг янада ислоҳ қилиниши бюджетлаш тизимини стратегик мақсадли кўрс-аткичлар билан боғлиқликда мақбуллаштириш, инвесторлар, жамият, бизнес-тузилмаларнинг ишонч даражасини оширишга замин яратади.

Бу эса, ўз навбатида, мамлакатнинг инвес-тициявий жозибадорлигини оширишга кўмаклашадиган шаффоф ахборот базасини шакллантириш имконини беради.

Шунингдек, стратегик режа-лаштиришнинг ягона тизими фаолияти методологик доира-ларини, стратегик ҳужжатлар-ни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва амалга ошириш тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш ҳамада стратегик режалашти-риш мутахассислари базаси-ни шакллантириш лозим.

Узлуқсиз ва мақсадли барқарор ривожланишни рағ-батлантириш ҳамада узоқ му-ддатли истиқболга мўлжалланган мамлакат келажаги қиёфасини шакллантириш ҳамада уни хал-қро миқёсдаги ривожланиш мақ-сад ва вазифаларида аниқлашти-риш учун мамлакатимизнинг келгуси 15–20 йилга мўлжалланган ёндашувини ишлаб чиқиш зарур. Бу мамлакат йўна-лишининг концептуал ифодаси бўлиб, унда келажақда қисқа муддатли ва ўрта муддатли стра-тегик режалаштиришнинг бошланғич нуктаси сифа-тида фойдаланиш мумкин бўлган ривожланишнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди.

— Стратегик ривожланиш бўйича кўзлан-ган мақсадларга эришишда халқаро ҳамкор-лиқнинг ўрнини қандай баҳолайсиз? Хусусан, халқаро ҳамкорлиқни кенгайтириш бўйича қандай чора-тадбирлар амалга оширилмоқда?

— 2022 йил 10-11 май кунлари Иқтисодий ҳам-корлик ва тараққий ташкилотининг Евросийё мам-лакатлари билан ишлаш бўлинимаси делегацияси ҳамада Стратегик ривожланиш агентлиги раҳбария-тининг икки томонлама учрашуви ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикасининг Тўлиқни шаҳридаги Евросийё — 2022 ҳафталигидаги иштирокчи доир бир қатор масалалар, Иқтисодий ҳамкорлик ва та-раққиёт ташкилоти ва Ўзбекистоннинг жорий қўш-ма лойиҳалари ҳолати, шу жумладан, “Ўзбекистон-да хусусий сектор рақобатбардошлигини ошириш мақсадида рақамли саводхоналиқни ривожланти-риш” лойиҳаси, Марказий Осиёда савдо боғлиқ-лигини яхшилаш ва тадбиркорлиқнинг ҳуқуқий муҳитини мониторинг қилиш ҳамада Ўзбекистон инвестиция сиёсати шарҳини ўтказиш мавзулари муҳокама қилинди. Шунингдек, агентлик мазкур ташкилот билан ҳамкорлик доирасида коррупция-га қарши курашиш, ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкор-лиқни кенгайтириш, рақобатбардошлиқни ошириш ва инвестицияларни жалб қилиш, транспорт логис-тикаси нуктаи назаридан ўзаро боғлиқлик ҳамада “яшил” иқтисодиёт каби бир нечта муҳим йўналиш-ларга ҳам эътибор бермоқда.

Агентлик Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги ва Жаҳон банки билан ҳам фаол алоқалар олиб бормоқда. Жумладан, Жаҳон банки билан бир-галикда ўрта шахарларни комплекс ривожланти-риш ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш лойи-ҳалари устида иш олиб борилмоқда. Биринчи

лойиҳа доирасида музокаралар ўтказилиб, улар-нинг якуни бўйича томонлар тажриба-синов тари-қасида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳудудий режаларини, тажриба-синов тариқасида 4 та шахар беш режасини тайёрлаш тўғрисида ке-лишди олди.

Иккинчи лойиҳа бўйича Жаҳон банки томони-дан агентликка тўғридан-тўғри хорижий инвести-цияларни жалб қилиш стратегияси лойиҳасининг изоҳларини олиш ишлари олиб борилмоқда. Шу-нингдек, агентлик Халқаро молия корпорацияси билан бир нечта муҳим йўналишлар бўйича ҳам-корлиқни йўлга қўйган. Масалан, Стратегик ривож-ланиш агентлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ва Хорижий инвестицияларни жалб этиш агентлиги ходимлари учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳамада инвесторлар билан ишлаш кўнимасини ҳосил қи-лиш бўйича тренинглар ўтказилди.

АҚШ Халқаро тараққий агентлиги билан ҳам иккита янги лойиҳа бўйича ишлар олиб борил-моқда. Булар — USAID Trade Central Asia ва қулай ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш ва иқлим ўзгаришига қарши кураш лойиҳаси концеп-циялари.

2021 йил октябрдан 2026 йил сентябргача давом этадиган биринчи лойиҳанинг бюджет-и 19 миллион АҚШ долларини ташкил этиб, “DAI Global” компанияси томонидан амалга оширилади. USAIDнинг мазкур дастури орқали боғхона ҳамада чегара назорати жараёнларини соддалаштириш, трансчегаравий савдо ва ин-вестициялар бўйича давлат-хусусий мулоқотни кенгайтириш, тижорат қорхоналари ўртасида ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш каби мақсадларга эришиш имконини беради. Иккинчи лойиҳа эса Ўзбекистонга мақсадли инвестицияларни жалб қилиш, давлат тузилмаларининг ҳамада хусусий сектор салоҳиятини ривожлантириш, шунингдек, хотин-қизлар ва ёшлар учун иш ўринлари ташкил этиш бўйича устувор тадбирларга қаратилган.

Агентликнинг асосий ҳамкорларидан яна бири БААдаги ҳамкасбларимиз ҳисобланади. Улар бил-лан ҳамкорлиқни янада кенгайтириш кўзда тутил-ган. Шунингдек, Европа — Ўзбекистон Иқтисодий ҳамкорлик ассоциацияси билан ҳам бир нечта муҳим йўналишларда келишувларга эришилган.

Президентимизнинг Россияга таширфи доира-сида Стратегик ривожланиш агентлиги ва Россия-нинг Стратегик ташаббуслар агентлиги ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланган эди. Утган қисқа даврда россиялик ҳамкасбларимиз билан биргаликда ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ва бизнес юритиш шароитларини яхшилашга доир 15 ҳамкорлик йўналишини ўз ичига олган “Йўл харитаси” ишлаб чиқилди. Бунда асосий эътибор ўзаро тажриба алмашиш, инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича ҳамкорликда чоралар ишлаб чиқиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривож-лантириш ва мамлакат аҳолисининг яшаш сифа-тини оширишга қаратилган.

Бир сўз билан айтганда, амалга оширилаётган лойиҳалар қамрови кенг, кўлами катта. Бу эзгу ишлар, аввало, халқимиз манфаатига, турмуши-миз фаровонлигини оширишга хизмат қилаётгани қувонарлидир. Тараққиёт стратегияси доирасида ушбу хайрли ишлар изчил давом эттирилади. Бу чора-тадбирлар халқимиз ороу қилган эркин ва фаровон, обод ва юксак тараққий этган Янги Ўзбе-кистонни барпо этишда муҳим таянч бўлади.

“Янги Ўзбекистон” мухбири Баҳор ХИДИРОВА суҳбатлашди.



КУН МАВЗУСИ



Дилмурод ҚОСИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Тадбиркорлик субъектларининг
ҳуқуқлари ва қонуний
манфаатларини ҳимоя қилиш
бўйича вакил (Бизнес-омбудсман)

Бошланиши 1-бетда

Жорий йил 22 августда ўтказилган навбатдаги очиқ мулоқот ҳам юрдошларимиз томонидан қизгин кутиб олинди. Тадбиркорлар мулоқотга тайёргарлик жараёнларида фаол иштирок этди. Мурожаатлар колл-марказ, ижтимоий тармоқлар орқали куну тун қабул қилинди. Давлат идоралари раҳбарлари чекка ҳудудларга бориб, тадбиркорлар муаммоларини ўрганиш асосида ҳам мурожаатларини қайд этиб борди. Қўллаб масалаларнинг ечимлари жойида ҳал этилди.

Мулоқот доирасида тадбиркорлардан 12 мингдан ортиқ мурожаат келиб тушди. Улар асосан, янги лойиҳаларни бошлаш, бизнесни кенгайтириш ва айланма маблағларни кўпайтириш, солиқ маъмуричилигининг мураккаблиги ва текширувларни қисқартириш, инфратузилмага уланishi, ер ва жой ажратиш, мулк дахлсизлиги, тадбиркорлик фаолиятига аралашшининг олдини олиш бўйича бўлиб, давлатимиз раҳбари мулоқот давомида ушбу муаммоларнинг барига алоҳида тўхталди.

Учрашувда тадбиркорларни қийнаб келаятган қўллаб муаммолар ечиб берилган бўлса, қолганларини ҳал этиш бўйича тегишли тузилмалар иш олиб бормоқда. Албатта, мулоқот давомида ишбилармонларга қўллаб янги имтиёзлар берилганга ғувох бўлди. Тадбиркорларга нисбатан янги жавобгарлик ва жазо чораларини жорий этишга 3 йиллик мораторий эълон қилинди. Бундан кейин тадбиркорлар бор эътиборини фаолиятини ривожлантиришга қаратади.

Савдо соҳасида фаолият кўрсатадиган тадбиркорларни қарийб 30 йилдан бери қийнаб келадиган муаммо ҳам ечим топди, яъни савдо қоидаларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик тўлиқ бекор қилинадиган бўлди. Умуман, солиқ имтиёзлари, ер ва мулк ҳуқуқини кафолатлашининг янги тизими ҳамда бошқа янгиликлар мамлакатимиз тадбиркорларини нихоятда қувонтирди.

“БУНДАН БЕШ ЙИЛ ОЛДИН БИЗНЕС-ОМБУДСМАН ИНСТИТУТИНИНГ ТАЪССИС ЭТИЛИШИ ЮРТИМИЗДА БОШЛАНГАН ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ОИД ИСЛОХОТЛАРНИНГ БИР ҚИСМИ ЭДИ. МАЗКУР ТАШКИЛОТГА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАРНИ МУСТАҚИЛ АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА БИР ҚАТОР ҲУҚУҚЛАР БЕРИЛДИКИ, БУНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИДА ДЕЯРЛИ АНАЛОГИ ЙЎҚ.

ТАДБИРКОР ТАЙЁР “ХЎРАК” ЭМАС

УНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИ ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА

Давлатимиз раҳбари бу масалалар ҳуқуқий асослар билан кафолатланишини ҳам таъкидлаган эди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, бу сўзлар ўз исботини топди. Аввалига, ер ва мулк ҳуқуқини кафолатлашга оид Президент фармони қабул қилинди. Шу йилнинг 30 августда эса давлатимиз раҳбари томонидан “Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2022 йилдаги “очиқ мулоқоти” да белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор имзоланди. Қарор билан тадбиркорликни янада ривожлантиришга қаратилган 6 та йўналиш, 42 моддадан иборат “Йул харитаси” тасдиқланди. Хўжжат талабларидан келиб чиққан ҳолда, Президент ҳузурида Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича жамоатчилик кенгаши ҳам ташкил этилди.

Мазкур кенгашнинг ўзига хослиги шундаки, унинг аъзолари давлат идоралари вакиллари билан ташқари, турли соҳаларда фаолият юритаётган тадбиркорлардан ташкил топади. Тузилманинг мақсад ва вазифаси эса юртимиздаги тадбиркорларнинг катта-кичиклигидан қатъи назар, ҳар бир муаммосини ўрганиб, ғоялари, тақлифларини эшитиб, давлат органларига етказиш ва кенгаш аъзолари билан биргаликда ҳал этишдан иборат. Яъни муаммолар энг қуйидан бошлаб ўрганилади. Долзарб тақлиф ва масалалар эса мулоқот даражасига олиб чиқилади. Бу тадбиркорлар ва давлат органларининг яқин алоқаларини йўлга қўйишга қаратилган самарали механизмдир. Агар буни тўғри олиб борсак, қисқа фурсатларда катта ғоялар, йирик инвестицион лойиҳаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Фаолият ноқонуний текширилмайди

Аслида, очиқ мулоқотда белгиланган вазифалар кўлами кенг бўлиб, бу тадбиркорлар билан бевосита ишлайдиган тузилмаларнинг йил давомида фаол иш олиб боришини таъкидлаётди. Ана шундай ташкилотлардан бири — Бизнес-омбудсман институтининг асосий вазифаси тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Бундан беш йил олдин Бизнес-омбудсман институтининг таъсис этилиши юртимизда бошланган тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини

ҳимоя қилишга оид ислохотларнинг бир қисми эди. Мазкур ташкилотга белгиланган вазифаларни мустақил амалга ошириш бўйича бир қатор ҳуқуқлар берилдики, бунинг хориж тажрибасида деярли аналогий йўқ. Хусусан, бугунги кунда Бизнес-омбудсман институтини тадбиркорликни ривожлантириш, унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этиш, тадбиркорлик фаолиятида ўтказиладиган текширувларни мувофиқлаштириш, мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий ишларни қўриб чиқиш, тадбиркорлар манфаатида суд процессининг ҳар қандай босқичида тараф сифатида иштирок этиш кабиларни амалга оширувчи кам сонли органлардан ҳисобланади.

Ўзбекистонда мазкур тизим БМТ Бош Ассамблеясининг резолюцияси билан тасдиқланган талаблар доирасида иш олиб боради. Ташкилот фаолияти 17 та қонун, шу жумладан, 6 та кодекс билан тартибга солинади. Бизнес-омбудсманнинг судлардаги ҳуқуқлари 4 та процессуал кодекс, тадбиркорларда ўтказиладиган текширувларни мувофиқлаштириш билан боғлиқ вазифалари 5 та қонун ҳужжати билан кафолатланади.

Тадбиркорлар билан ўзаро ҳамкорликни яқиндан ўрнатиш мақсадида ҳар бир вилоятда Бизнес-омбудсман ходимлари фаолият юритмоқда. Ушбу институт назорат қилувчи органларнинг тадбиркорлар фаолиятида ўтказиладиган текширувлари қонунчилик талабларига мувофиқлиги устидан тўлиқ назоратни амалга оширади.

Назорат қилувчи органлар томонидан барча текширувлар Бизнес-омбудсман билан келишилган ва хабардор қилган ҳолда ўтказилади. Мазкур механизм амалда ўз самарасини кўрсатмоқда. Масалан, шу кунга қадар тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширув ўтказиш бўйича 6 минг 411 та ташаббусдан 3 минг 324 таси уларни ўтказиш учун қонуний асослар мавжуд бўлмаганлиги сабаб рад этилган. Шунингдек, бугунги кунда текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизими орқали тадбиркорлик фаолиятида ўтказилган текширувларнинг қонунийлиги устидан тўлиқ мониторинг олиб боришмоқда. Ана шу мониторинг доирасида аниқланган қоидабузарликлар бўйича 2019 йилдан бошлаб назорат қилувчи органлар раҳбарларига жами 234 та тақдирнома қиритилган, 1 минг 488 нафар мансабдор шахсга нисбатан маъмурий материаллар расмийлаштирилган,

688 нафарига интизомий жазо чоралари қўлланилган ва шундан 15 нафари эғаллаб турган лавозимидан озод этилган.

Яна бир жиҳат, Президент фармонлари билан Бизнес-омбудсман ва унинг ходимларига Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 10 та моддаси бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги материалларни расмийлаштириш ва судларга юбориш ваколати берилган. Шу каби расмийлаштирилган материаллар асосида судлар томонидан 2 минг 812 нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилган. Жорий йилнинг январь ойидан эса тегишли қонун билан Бизнес-омбудсман институтига Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 8 та моддаси бўйича маъмурий ишларни қўриб чиқиш ваколати ҳам белгиланди.

Ҳаммаси электрон “назорат”да

Давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлар билан очиқ мулоқоти давомида 1 ноябрдан тадбиркорлар фаолиятига дахлдор ҳар қандай текширувлар фақат ва фақат Бизнес-омбудсман томонидан амалга оширилиб, мувофиқлаштирилиши белгиланди. Бу зиммамизга янада кўпроқ масъулият юклянди. Боиси, аввало, текширувлар шаффоф ва очиқ бўлиши, қолаверса, тадбиркорга зиён етказмаслиги лозим. Ҳозир бу бўйича ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқялмиш. Унда ҳар қандай текширишлар Бизнес-омбудсманда янги ишга тушириладиган электрон платформа орқали амалга оширилиши назарда тутилмоқда.

Ҳозирги вақтда тадбиркорлик соҳасида давлат назорати билан боғлиқ катта ҳажмдаги маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва қайта ишлаш имконини берувчи “Ягона давлат назорати” ахборот тизими ишга туширилган. У орқали персонал компьютердан фойдаланиш учун govcontrol.uz манзилида веб-саҳифа, iOS ҳамда андроид платформа-сида мобил иловалар ҳам ишлаб чиқилди.

Бу тизимлар, албатта, онлайн тарзда ишлайди. Яъни жараён инсон омилсиз амалга оширилгани боис, шаффофлик таъминланади. Ахборот тизимига жойланган маълумотлар орқали тадбиркор ўз фаолиятидаги текширувлар ҳақидаги қайдларни интернет тармоғи ва мобил иловалардан, телеграм бот ва “смс” хабар тарзида олиши мумкин.

Тизим орқали ўтказилган ҳар бир текширув юзасидан уни ўтказган назорат органлари

ходимларининг хатти-ҳаракатларига баҳо бериш, ғайриқонуний ҳаракатлар, жумладан, коррупция ҳолатлари ҳақида шикоят қилиш имконияти яратилган. Текширувларни рўйхатга олиш китоби эса янги электрон форматда қайта тикланди. Назорат қилувчи органларнинг тадбиркорлар фаолиятини текшириш ҳуқуқига эга мансабдор шахслари ҳақида маълумотлар шакллантирилиб, уларнинг реестри яратилди. Республикадаги барча назорат қилувчи органларнинг қонунчилик билан белгиланган назорат ваколатлари жамланиб, назорат функциялари ягона реестри жорий этилди. Эндilikда, тадбиркор фаолиятини текшираётган органнинг ваколатлари, қандай ҳуқуқий асосга эга экани ҳақида мана шу электрон тизим орқали маълумот олиш мумкин. Ишонч ҳосил қилганидан кейингина, текширувларга рухсат бериши ҳам ноқонуний ҳаракат саналмайди.

Ҳозирги кунда “Ягона давлат назорати” ахборот тизимида назорат қилувчи органларнинг 16 мингдан ортиқ мансабдор шахслар реестри шакллантирилган бўлиб, барча текширувлар ушбу тизимдан рўйхатдан ўтказилган ҳолда амалга ошириб келинмоқда.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам текширувлар тадбиркорга ортиқча ноқулайлик туғдирмаслиги, қимматли вақтини олиб, овора қилмаслиги лозим. Шу боис, икки ой муддатда тадбиркорларнинг тақлифларини чуқур ўрганиб, текширувларнинг муддатларини қисқартириш, молиявий хато ва камчиликларнинг минимал чегаравий миқдорини белгилаш, текширув жараёнларидан тадбиркорни хабардор қилиш ва шикоятларини очиқ-ошкора қўриб чиқишни назарда тутувчи тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш топшириғини олганмиз. Бу борадаги ишлар ҳам аллақачон бошлаб юборилган.

Келаси йил 1 январдан тадбиркорлар мурожаатларини 24 соат давомида қабул қиладиган крауд-сорсинг платформаси — “Тадбиркор виртуал офиси” ишга туширилади. Мазкур платформа орқали доимий тарзда тадбиркорларнинг мурожаатлари қабул қилиниб, ижроси назорат қилиб борилади.

Шунингдек, Бизнес-омбудсманда тадбиркорлар ҳуқуқларини бузганларни жазолаш ҳуқуқи ҳам берилди. Бу мурожаатларни янада тез ва ижобий ҳал этишда катта ёрдам беради. Эндilikда Бизнес-омбудсман ишбилармон доира вакиллари-нинг чин маънодаги кўмакчисига айланади.

ЎРМОНЧИЛИК

ҲАР КИМ ЭКСА БИР НИҲОЛДАН...

Орол бўйларида тўронғил ўрмонларини учратиш мумкин. Айтишларича, тўронғил фақат Амударё соҳилларида ўсади. Чунки у чўл шароитига чидамли. Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси ўрмон хўжалигининг умумий ер майдони 6 миллион 602 минг гектардан, ўрмон билан қопланган ер майдони эса 1 миллион 111 минг гектардан кўпроқни ташкил этади.



Орол денгизининг қуриган тубида 2018–2022 йилларда кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Жумладан, 1 миллион 732 минг гектар ернинг 73 минг гектаридида қўчатдан, 1 миллион 659 минг гектаридида уруғдан “яшил қоплама” барпо этилди.

— Олимпларнинг айтишича, урта ёшли бир туپ саксовул ўз илдири билан 1 тонна қумни ушлаб қолади. 2 йиллик саксовул-зорда шамол тезлиги 20 фойз, 6 йиллигида эса 80 фойзгача камаяди, — дейди Мўйноқ давлат ўрмон хўжалиги директори Фарҳод Аvezов. — Олдин хўжалигимизнинг 650 887,2 гектар ери бор эди. Денгизининг қуриган тубида 1 726 485 гектарга саксовул ва бошқа экинлар экилиши натижасида еримиз қарийб 2 377 372 гектарга етди.

Албатта, экологик қийин шароитда ўрмон, жумладан, “яшил қоплама” кенгайиши чанг-тўзоннинг камайишига олиб келади. Бу эса оғир экологик шароитда яшайётган Оролбўйи аҳолиси саломатлигида муҳим аҳамиятга эга.

— 2021–2030 йилларга мўлжалланган концепция асосида Қипчоқ давлат ўрмон хўжалигимизда доривор ўсимликлар етиштириш ва тайёрлаш, қўшимча тармоқлар фаолиятини ривожлантириш бўйича амалий ишлар бошлаб юборилган, — дейди мазкур хўжалик директори Эркин Тўраев. — Ҳозирги кунда 11,3 гектар майдонда ниҳолхона ва қўчатхона ташкил этганмиз. Уларда 1 миллион тулдан кўпроқ манзарали, мева-и ҳамда чўл ўсимликлари қўчат ва ниҳоллари парвариланмоқда.

Ушбу хўжаликда наъматак, ширинмия ва бошқа турдаги доривор, озукабон ўсим-

ликлар экиб, қайта ишловчи корхоналарга етказиб беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги кунга қадар 17 гектар майдонга ширинмия экилди.

— Шу хўжаликда 22 йилдан бери ишлайман. Илгари қўшимча тармоқларни ривожлантириш бўйича ҳеч иш қилинмасди. Кейинги йиллари ўрмон хўжалигига алоҳида эътибор қаратилиб, соҳани кенгайтирялмиш, — дейди Қипчоқ давлат ўрмон хўжалиги бош ўрмончиси Рустам Досманов. — Энди лимончилик, асаларчиликни йўлга қўйиб, парранда ва чорва моллари сонини кўпайтирялмиш. Жорий йилда 1512 бош парранда боқиб, тухум ва гўшт етиштиришни йўлга қўйдик. Майда шохли молларимиз сонини йил охиригача 100 бошга етказишни режалаштирганимиз.

Ички туризмни ривожлантириш мақсадида ушбу ўрмон хўжалиги сув ҳавзаси бўйида “Соҳилбўйи” дам олиш маскани ташкил этилган. Энди сайёҳлар ўрмон тоза ҳавосида сайр қилиш билан бирга, қора уй, сўри, қайиқ, болалар чўмилиш анжомлари ва қум майдонларидан фойдаланиши мумкин.

— Ўрмон хўжалиги тизимини ривожлантириш концепцияси асосида иккита иссиқхона ташкил этиб, бодринг, помидор, тут ва павловния қўчатлари етиштирялмиш. Ушбу қўшимча тармоқлардан олинётган маҳсулотларнинг бир қисми ишчи-ҳодимларимизга тарқатилган. Бу эса уларнинг кайфиятини кўтариб, самарали меҳнат қилишга ундамоқда, — дейди Эркин Тўраев.

Кейинги йилларда ўрмон фонди ерлари хусусий секторга ижарага бериш ва



ундан фойда олиш йўллари ҳам изланмоқда. Ҳозир Қипчоқ давлат ўрмон хўжалигининг 260 гектар ери ижарага берилган. Яйловларда чорва моллари боқиш бўйича айни пайтга қадар фуқаролар билан 12 миллион 137 минг сўмлик шартномалар тузилган. Хўжаликда йиллик даромад режаси 1 миллиард 610 миллион сўм этиб белгиланган.

Биз ўрмон хўжаликлари имкониятлари кўпчилиги қўриб, рости, хайратландик. Неча йиллар давомида фойдаланилмай келинган ўрмонзорлар яхшигина даромад манбаига айланмоқда.

Қорақалпоғистон бўйича ўрмон фонднинг фойдаланилмай ётган 2102 гектар майдони фойдаланишга киритилди. Хусусий секторни жалб қилган ҳолда чорвачиликни ривожлантириш мақсадида чорва сони 9310 бошга, паррандалар сони 54 357 бошга, асалари оилалари сони 5567 тага етказилиб, 3641 гектар ер шартнома асосида ижарачиларга берилди. Ўрмон фонди ерида мавжуд 1,8 гектар иссиқхонадан мақсадили фойдаланиб келинмоқда. Жорий йилда Таштакўпир давлат ўрмон хўжалигидида

иссиқхонадан 7 тонна бодринг ва помидор олинди.

Нукус шаҳридан 100 қақирим масофада жойлашган Таштакўпир давлат ўрмон хўжалигига ҳам иш қизган. 2,5 гектар майдондаги оқ тераклар шамолда теб-ранмоқда. Ярим гектар жойдаги шумтол ўз япроқларига бурканиб турибди. Манзарали ва мева-и дарехтлардан ташқари 10 гектар жойга саксовул ниҳоллари экилган. Умумий ер майдони 459 минг 398 гектарга тенг ўрмон хўжалиги Акбоғат ва Даукара ўрмон шохобчаларига бўлинган. Хўжаликда бугунги кунда 75 ходим меҳнат қилмоқда.

— Хўжалигимиз 2021 йилда 1 миллиард 200 миллион сўмдан ортиқ, 2022 йилнинг 6 ойида эса 645 миллион сўм даромад олди. Утган йили кредит хисобидан 10 сотих ерга иссиқхона қуриб, 11,6 тонна помидор ва бодринг етиштирдик. Жорий йилнинг шу кунига қадар 6,3 тонна помидор ва 1,9 тонна бодринг териб олди, — дейди ўрмон хўжалиги директори Бозорбой Тўрдибоев. — Бундан ташқари, от, қўй, эчки, товуқ, гоз, урдақ ва асалари ҳам парваришлаб келмоқдамиз.



Таштакўпир давлат ўрмон хўжалигига ўтган йили БМТнинг траст фонди кўмағида 3 миллиард 204,2 миллион сўмлик зарур техника ва ускуна олиб берилди. Улар келтирилгач, иш кўлами кенгайиб, қўшимча 12 киши иш билан таъминланди.

Қорақалпоғистон ўрмон хўжаликларидаги 306 гектар майдонда 256 тонна кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилди. 341 гектар майдонда плантациялар ташкил этилиб, 456 тонна доривор ва озукабон ўсимликлар хомашёси тайёрланди.

— Жорий йилда тажриба тариқасида 14 минг тул павловния ва 7,3 гектар майдонда лаванда, 4,7 гектар майдонга гожи доривор ўсимлиги экилиб, агротехник қоидалар асосида парваришланмоқда, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги кўмитаси раиси Ойбек Аминов. — Энг асосийси, ўрмон хўжаликлари томонидан кўрсатилган хизматлар ва ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳисобидан 13 миллиард 224 миллион сўм даромад топдик ҳамда 300 та янги иш ўрни яратилди.

Замон билан ҳамнафас қадам ташлаётган Хўжайли давлат ўрмон хўжалиги жамоаси ҳам Орол денгизининг қуриган тубига саксовул уруғидан 118 гектар ва қўчатидан 34 гектар майдонда маданий ўрмонзорлар барпо этишда иштирок этди. Бугунги кунда Хўжайлида 12,5 гектарли ниҳолхона ташкил этилган бўлиб, саксовул, виргин арчаси, қайрағоч, заранг, шумтол, айланг, япон сафораси, каталап, тут, гледичия, ўрик ва шафтоли қўчатлари етиштирилмоқда.

Ўрмонлар халқ бойлиги бўлиб, давлат муҳофазасидадир. Уларни асраш, келажак авлодларга янада бойитилган ҳолда етказиш барчамизнинг вазифамиз ва бурчимиз. Ҳар ким экса бир ниҳолдан олам ўрмон бўлади, ҳар ким кесса бир дарехтдан олам қурбон бўлади, дейишад.

Навбатдаги манзилимиз Нукус давлат ўрмон хўжалиги бўлди.

— Хўжаликка раҳбар бўлиб келган кунларим эди. Бирданига ўрмонда ёнгин чиқиб, уни бартараф қилгунча анча овора бўлдик. Шу боис, ҳозир ўрмонни ёнгиндан сақлаш ҳамда унинг олдини олишга доир чора-тадбирларни кучайтирганмиз. Укув машғулотлари, аҳоли ўртасида ёнгинга қарши кураш чоралари ҳамда табиати муҳофазаси қилишга доир тушунтириш ишларини мунтазам равишда ўтказялмиш, — дейди Нукус давлат ўрмон хўжалиги директори Арслон Юсупов. — Хўжалигимизда бутун жуда катта ислохотлар бошланган. Аъзоларимиз 2000 гектардан зиёд майдонга саксовул уруғи ва қўчатлари экди. Ҳозирги кунгача 12,6 гектар ниҳолхона ва қўчатхона ташкил этилиб, манзарали, мева-и ҳамда чўл ўсимликлари қўчатлари етиштирилмоқда. Хўжалигимиз жорий йилда 2 миллиард 300 миллион сўм маблағ ишлаб топиши керак ва биз уни бемалол удалай оламиз. Ўрмон хўжалигимизнинг иқтисодий аҳоли йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда.

Ўрмонлар сайёраимизнинг ўлкаси, дейишди. Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида ўрмон фонди ерларидан самарали фойдаланиш, ўсимликлар плантацияларини ташкил қилиш, хомашё етиштиришни кенг йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилди. Шу билан бирга, павловния, тут каби тез ўсувчи ва бошқа турдаги манзарали дарехтлар қўчатларини экиш ҳам доимий диққат марказида. Бунинг учун соҳага илгир илмий-техника ютуқлари жорий этилган. Яқин йилларда Қорақалпоғистондаги ўрмонлар том маънода ҳам ҳавони тозалайдиган, ҳам дам олиннадиган, ҳам аҳолига даромад келтирадиган масканга айланади.

МИНАЖАТДИН
ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

УЛУҒ АЖДОДЛАРИМИЗ



БУЮКЛИК ҲАМ ТАЪЗИМ ҚИЛГАН ЗОТ

**Иномжон МАЖИДОВ,
Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университети ректори, профессор,
Рустам СУЛЕЙМАНОВ,
тарих фанлари доктори, профессор**

Бошланиш 1-бетда

Султон Жалолиддин ўн бир йил давомида мўғул босқинчиларига қарши уч юздан ортиқ жангда иштирок этди. Синд дарёси бўйида Чингизхоннинг ўз қўшинидан тўрт марта кўп бўлган лашкарига мардона қарши чиқди. Исофахон яқинидаги жангда бор-йўғи 14 аскар билан мингдан зиёд мўғул жангчисининг қуршовини ёриб ўтди. Ҳатто Чингизхондек саркарда ҳам унинг матонатига тан бериб, “Жалолиддиндек қаҳрамон фарзанди бор ота нақадар бахтлидир”, дейишга мажбур бўлган.

Султон Жалолиддин жанговар фаолияти билан нафақат ўз юртини, балки дунёдаги ўнлаб мамлакатларни ҳам мўғул истилосидан ҳимоя қилганини жаҳон аҳли эътироф этади. Бутун умри жанг жадалларда ўтганига қарамай, у оғир ва мураккаб даврда ҳам илм-маърифат ҳоимиси сифатида масжид ва мадрасалар, карвонсаройлар, қалъалар, йўл ва кўприклар қурдирган. Султон Жалолиддиннинг ҳаёт йўли, шахсияти ва жасорати бир ҳақиқатни ўқтиради: Ватан озодлиги, Ватан манфаати йўлида бўлашиб, марди майдон бўлиб курашга бел болаган халқни ҳеч қандай куч ҳеч қачон енга олмайди.

Мўғуллар истилосига қарши курашган улугъ авлиё Нажмиддин Кубро, буюк саркарда Жалолиддин Мангуберди сингари шонли аждодларимизнинг жасорати барчамиз учун намуна мактабидир.

“БУЮК АЖДОДИМИЗНИНГ ДАВОМЧИЛАРИНИ КАМОЛ ТОПТИРИШ МАҚСАДИДА УРГАНЧДА ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ НОМИДАГИ ҲАРБИЙ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ. БУ МАРДЛИК МАКТАБИ ЎҚУВЧИЛАРИ ОРАСИДАН УЛУҒ САРКАРДАНИНГ МУНОСИБ ИЗДОШЛАРИ БЎЛГАН ҲАҚИҚИЙ ВАТАНПАРВАР ЎҒЛОНЛАР ЕТИШИБ ЧИҚИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.

Жалолиддин Мангуберди мўғул босқинчилари зулмидан ярим жаҳонни сақлаб қолган халоскордир. У узоқ йиллар давомида босқинчиларнинг бутун куч-қудратини ўзига қаратди. Охир-оқибат Чингизхон Искандардан ҳам ўзиб кетиш орсусидан воз кечиб, армон билан вафот этди. 1221 йилнинг аввалида Жалолиддиннинг хоразмлик жангчилар ва қўшни халқлар аскарларидан иборат қўшини мўғуллар устидан қозонган бекиёс галаба душманни беҳад саросимага солган. Босқинчилар истилосига қарши жуда кўп саркарда ва давлат арбоблари курашган. Уларнинг номи ҳам ўз даврининг фидоийлари сифатида мозий саҳифаларидан жой олган. Аммо кўҳна тарих бу борада, биринчи навбатда, Жалолиддин Мангубердини авайлаб асради. Ёш саркарда босқинчиларга қарши курашган ватанпарваргина эмас, балки турли халқлар устига ёпирилган бало-қазоларга кўксини тугити, душманнинг додини бера олган лашкарбоши ва давлат раҳбари сифатида ҳам мангуликдан ўрин эгаллаган. У душман устидан узил-кесил галабага эришиб, давлатни қайта тиклаш орсуси ушалишига жуда яқин келди.

Хукмдор ва саркарданинг шахсий қотиби Шаҳобиддин Муҳаммад Насавий шундай ёзади: “Жалолиддин қорачадан келган, ўрта бўйли, турк лафзли одам эди. Форс тилини ҳам яхши биларди. Унинг ботирлигига келганда шуни айтиш керакки, султон арслонлар орасидаги энг кучли шер эди. Бир сўзли, кек

саси 300 ўринга мўлжалланган бўлиб, унда биринчи йили 150 нафар ҳамда кейинги йил яна шунча ўқувчи қабул қилинади. Ёшлар ўртасида ҳарбийликка, ватан ҳимоячиси деган шарафли ва обрўли касбни эгаллашга талаб ва тақлифлар ортиб бораётгани инobatга олиниб, мазкур муассаса қурилиши учун маҳаллий бюджетдан 30 миллиард сўмга яқин маблағ ажратилган. Муассасада 4 қаватли ўқув биноси, 300 ўринли ётоқхона, ошхона, маданият саройи, ҳарбий тайёргарлик машғулотлари учун жанговар тайёргарлик майдончалари, спорт мажмуаси ҳамда зарур бўлган бошқа ижтимоий ва ўқув объектлар қурилиши режалаштирилган.

Бу йил мустақиллик байрами арафасида давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва тақлифи асосида Урганч шаҳрида буюк саркарданинг маҳобатли ҳайкали ўрнатилгани жасоратли аждодимизнинг Ватанимиз ва тарихимиз олдидagi хизматларининг юксак эътирофи бўлди. Султон Жалолиддиннинг қатъияти, мағрур сиймосида келажакка катта ишонч ва шиддат билан интилаётган халқимизнинг ватанпарварлиги, букилмас иродаси ўз ифодасини топган. Жалолиддин Мангуберди мажмуасини барпо этиш билан бирга, Урганч шаҳри ва унинг марказий майдонида катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари ҳам амалга оширилди. Қарийб 8 гектарлик ушбу ҳудуд бутунлай янгича қиёфа касб этди.

Жамият

“ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ МЎҒУЛ БОСҚИНЧИЛАРИ ЗУЛМИДАН ЯРИМ ЖАҲОННИ САҚЛАБ ҚОЛГАН ХАЛОСКОРДИР. У УЗОҚ ЙИЛЛАР ДАВОМИДА БОСҚИНЧИЛАРНИНГ БУТУН КУЧ-ҚУДРАТИНИ ЎЗИГА ҚАРАТДИ. ОХИР-ОҚИБАТ ЧИНГИЗХОН ИСКАНДАРДАН ҲАМ ЎЗИБ КЕТИШ ОРЗУСИДАН ВОЗ КЕЧИБ, АРМОН БИЛАН ВАФОТ ЭТДИ.

Президентимиз ҳайкал очилиши маросимидаги нутқида, жумладан, шундай деди: “Биз кўплаб мухташам иморатлар қуришимиз, маҳобатли ҳайкаллар барпо этишимиз мумкин. Аммо ушбу бунёдкорлик ишларимизнинг тўб маъносини, тарбиявий аҳамиятини халқимиз, ёшларимиз қалбига сингирмасак, бу обидаларнинг маънавий ибратини тушунтира олмасак, асосий мақсадимизга ета олмаймиз.

Биз бугун дунёда ва минтақамизда турли таҳдид ва хатарлар кучайиб бораётган нотинч бир замонда яшашмоқдамиз. Кўплаб бузғунчи кучлар ўзларининг гараз ниятлари билан ёш авлоднинг онгини эгаллашга уринмоқда. Бундай таҳликали вазиятда жондан азиз фарзандларимизни юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Шу сабабли буюк саркарда Жалолиддин Мангуберди сингари ватанпарвар, жасоратли аждодларимиз ҳаёти ва фаолиятини чуқур ўрганиш, уни халқимиз, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш барчамизнинг бурчимизга айланиши лозим.”

Маънавият ва маърифат марказининг Хоразм вилояти бўлими раҳбари, Урганч давлат университети тадқиқотчиси Бекзод Абдиримов покстонлик олим, доктор Васим Сажжад билан ҳамкорликда “Султон Жалолиддин Хоразмшоҳ Покистонда” номли китобни нашрга тайёрлади. Ўзбек, инглиз ва урду тилларида чоп қилинган ушбу асарда буюк саркарданинг 1221–1224 йиллардаги сиёсий-ҳарбий фаолияти билан бир қаторда, Покистондаги бунёдкорлик ишлари ҳақида ҳикоя қилинади. Китоба аждодимизнинг зафарли юришлари, сўнмас жасорати ҳақида тарихчилар учун янгилик бўлган қимматли маълумотлар келтирилган. Шу йилнинг октябрь ойида мамлакатимизда “Жалолиддин Мангуберди тарихининг янги саҳифаларини ўрганиш” мавзусида халқаро конференция ўтказиш режалаштирилган бўлиб, асар ушбу йирик анжуман олдидан муносиб тўхфа бўлади.

Ватанпарварлик Янги Ўзбекистон пойдеворини қуришда муҳим таънч, замонавий тараққиётга, тарихий заруратга мос келмайдиган бузғунчи ғоялар таъйиқидан ҳимоя қилувчи омил ҳисобланади. Миллатнинг озод тафаккури шаклланиши учун миллий онг ривожланиши керак. Миллий онг тарихий тафаккур орқали тараққий этади. Тарихий тафаккур эса миллатнинг тарихий онги қай даражада юксалганлигига боғлиқ. Жалолиддин Мангуберди каби тарихий шахслар фаолиятини, жасоратини чуқур ўрганиш миллат хотираси тикланишида, шунингдек, ёшларда Ватан туйғусининг кучайишида ватанпарварликнинг ёрқин намунасидир. Шунинг учун таълим тизимида тарихий шахсларнинг фаолиятини ўрганишни тизимли йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Жумладан, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг маънавий-маърифий тадбирлари доирасида Жалолиддин Мангуберди фаолияти тизимли равишда талабаларга тарғиб қилиб келинмоқда. Тарих факультетининг ўқув жараёнига саркарда бобомиз тарихига оид алоҳида махсус курслар киритилган, магистр ва докторантлар ануштегинлар сулоласи, хусусан, Султон Жалолиддин тарихига оид илмий тадқиқотлар олиб бормоқда.

Қисқа умри давомида Ватанга чексиз муҳаббат ва садоқат, юксак ҳарбий салоҳиятни намоён этиб яшаган Жалолиддин Мангуберди каби буюк аждодларимиз билан ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансак, арзийди. Президентимиз таъкидлаганидек, у ҳамиша юртимизни кўз қорачигидек асраб-авайлаш, унга фарзандлик меҳри, йймон-эътиқод билан хизмат қилишнинг ўчмас тимсоли бўлиб қолади.

Ислохот одимлари



КОМПЬЮТЕР УСТАСИ ЗАВОД ҚУРДИ

Болалигидан электротехникага қизиққан Шухрат Муротов компьютер тузатиш устaxonаси очиб, Қарши шаҳрида илк тадбиркорлик фаолиятини бошлаганида ҳали вилоятда бу соҳа вакиллари кам эди.

Бу орада “Alp texno servis” хусусий корхонасини ташкил этиб, савдо йўналишини ҳам йўлга қўйди. Бир қанча ёш йигитларга касб сирларини ўргатди. Янги лойиҳа ишлаб чиқди. Аммо бунинг учун каттагина маблағ зарур бўлди. Банка мурожаат қилди. Рости, кредит олиш истагида қирмаган эшиги, тайёрламаган ҳужжати қолмади. Бир неча бор қўл силтаб, барчасидан воз кечиб юборгиси ҳам келди. Лекин бошлаган ишини ярим йўлда чала қолдиришни истамади. Янги лойиҳаси замонавий телевизорлар ййгиладиган янги завод қуриш эди.

2006 йилда бошланган ишлар 2018 йилга келиб амалга ошди. У ташкил этган кичик корхонада телевизорлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Дастлабки маҳсулотлар ички бозорга йўналтирилди. Аста-секин бошқа вилоятлардан ҳам буюртмалар қабул қила бошлади.



“ШУХРАТ МУРОТОВ АНЧАДАН БЕРИ ЎЙЛАБ ЮРГАН ЯНГИ ЛОЙИҲАСИНИ БОШЛАШИГА ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ ЎТГАН ЙИЛИ 20 АВГУСТДА ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ КАТТА ТУРТКИ БЎЛДИ. ТАДБИРКОР ҲЕЧ ИККИЛАНМАСДАН ЯНГИ ЗАВОД БАРПО ЭТИШГА КИРИШДИ. ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН ЖОРИЙ ЙИЛГИ УЧРАШУВИ ОЛДИДАН ЭСА ЗАВОД ДЕЯРЛИ ТАЙЁР БЎЛДИ.

Унинг телевизорларига талаб кўпайиб борди. Шу боис, имкониятларни янада кенгайтиришга эҳтиёж сезилди.

Шухрат Муротов анчадан бери ўйлаб юрган янги лойиҳасини бошлашига давлатимиз раҳбарининг ўтган йили 20 августда тадбиркорлар билан учрашуви катта тўртки бўлди. Тадбиркор ҳеч иккиланмасдан янги завод барпо этишга киришди. Президентимизнинг тадбиркорлар билан жорий йилги учрашуви олдидан эса завод деярли тайёр бўлди.

Қисқа вақтда “Ўзэлектротехно” уюшмаси ҳамда Қашқадарё вилояти ҳокимлиги амалий кўмаги билан йирик ишлаб чиқариш корхонасига асос солинди. Бу ерда бугун “S-Smart” бренди остида турли ўлчамдаги замонавий телевизорлар тайёрланмоқда. Бир сўз билан айтганда, “Alp texno servis” хусусий корхонаси томонидан мамлакатимиз мустақиллигининг 31 йиллиги байрами арафасида халқимиз учун муносиб тўхфа тайёрланди. Умумий қиймати 1,5 миллион доллар, йиллик қуввати 60 минг дона бўлган заводда 150 нафар йигит-қиз доимий иш билан таъминланди. Энди бу ерда экранни ўлчами 32 дюймдан 65 дюймгача бўлган янги авлод телевизорлари ишлаб чиқарилмоқда. Маҳсулотнинг аксарият бутловчи қисмлари шу ернинг ўзида тайёрланмоқда.

— Тадбиркор сифатида иш бошлаганимизда корхонамизда бор-йўғи 20 киши меҳнат қиларди. Ушанда атиги 2 турдаги маҳсулот тайёрланган бўлса, бугун ишлаб чиқариш тармоғимиз кенгайди. Ҳатто маҳсулотларимиз ички бозордан ташқари Россия, Озарбайжон, Туркия каби мамлакатларга чиқарилапти. Ишонаманки, янги авлод телевизорларимиз барчага маъқул келади, — дейди корхона раҳбари Шухрат Муротов.

Тадбиркор бугун телевизор ййғиш билан кифояланиш ниятида эмас. Зарур эҳтиёт қисмларнинг 40 фоизга яқинини шу ернинг

ўзида ишлаб чиқариш мақсад қилинган. Шунингдек, келгуси йилдан бошлаб кир ювиш машинаси ййғиш ҳам йўлга қўйилади. Бунинг учун эса барча ишлар якунига етай деб қолди. Бундан ташқари, музлаткич, микротўлқинли печ, иситиш қозонлари ва кичик маиший техника воситалари ишлаб чиқаришга ҳам киришилади.

— Келгусида корхонамизни янада кенгайтириш учун бош режа ишлаб чиқилган, — дейди завод иш юритувчиси Равшан Эшқобилов. — Шунга асосан, иш ўринлари ҳам кенгайиб боради. Ҳозир заводимизда кунига саккиз юз донгача телевизор ишлаб чиқаряпмиз.

Давлатимиз раҳбари 2017 йил февраль ойида Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида аҳолининг маиший техника билан қанчалик таъминлангани турмуш даражасининг асосий кўрсаткичларидан бири эканини алоҳида таъкидлаган эди. Мазкур корхонани Президентимиз топширигининг ҳаётдаги амалий ифодаси дейиш мумкин.

Корхона ишчиларининг аксарияти касб-хунар таълими муассасалари битирувчилари.

— Корхонада икки йилдан бери ишлайман, — дейди Мохинур Сафарова. — Аввалги иш жойимиз бир оз торроқ эди. Янги заводимизда барча имкониятлар яратилган. Шунингдек, ишчилар учун ҳам шaroитлар мавжуд. Ўзим шу ерга яқин маҳаллада тураман. Икки миллион сўмдан ортиқ маош оляпман. Оилам учун даромад топялман.

Тадбиркор улкан мақсадларни кўзлаган. Импорт ўрнини босувчи тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни бир неча баробар ошириш, ички бозорни арзон ва юқори сифатли маиший техника воситалари билан тўлдириш шулар жумласидан.

**Акбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири**



Бобур Мирзонинг ўзи “Бобурнома”да Оббурдон тошбитикларининг юзага келиши ҳақида бундай ёзади: “Бир неча кундан сўнг Даҳқатга қайтиб келдим. Баҳор бошланиши билан Шайбоқхон-нинг Уратепа устига келиши ҳақида хабар бўлди. Даҳқат текис ер бўлгани учун Оббурдон довони билан тоғли Масчога ошдик. Масчонинг пастки кенти Оббурдондир. Бу Оббурдондан қуйроқда бир чашма бўлиб, бу чашма тепасида бир мo-зор турипти. Ушбу чашмадан юқориси Масчога қарашли. Қуйиси Палғарга тааллуқлидир. Ушбу чашма бошида, унинг ёқасидаги тошга бу уч байт-ни ёздим:

*Шунидам, ки Чамшеди фаррухсиришт,
Бар сар чашмае бар санге навишт:
“Бар ин чашма чун мо бaсe дам зададн ,
Бирафтанд, то чашм бар ҳам зададн.
Гурифтeм oтaм бo мaрдбeву зўр,
Вaлeкин нaбурдeм бo худ бa гўр”.*
Мазмуну:
*Эшитган эдимки, Жамшиддек пойдор,
Сарчашма сахнига лаъх этпмиш ёдгор:
“Бул чашма бошвeа кўплар етдилар,
Кўз очиб юмгунча йироқ кетдилар.
Мардлик, зўрлик билан оламиш олдик,
Фақат қабристонга қуруқ йўл солдик”.*

Бу тоғли масканда тошга ўйиб байт ва ҳар хил нарсалар битиш одатдир.”
Ушбу тошбитик Тожикистон Миллий музейида сақланмоқда.
Ҳақиқатан ҳам, ўшанда Оббурдондан турли даврларга оид кўплаб осори-атиқалар, петроглифлар топилди. Энди эса кўҳна битиклар ихлос-мандларни нигоҳи Сўғд вилояти Айний туманидаги Шамтуч қишлоғига қаратилмоқда. Чунки ушбу қишлоқдаги Ғуристони Дуруст зиёратгоҳида ҳазрат Бобурнинг ўз қўли билан ёзган бир тошбитиги бор. Яна бир кичик тафсилот. Экспедиция 2009 йилги таширифни бу ерларга Зарафшон тизмаси-нинг нариги тарафи, яъни Тоғли Мастчоҳ тумани томонидан амалга оширган эди. Биз бу гал илмий сафаримизни Айний шаҳарчаси томондан мўл-жаллаганимиз. Бу манзилгача бўлган йўлни тахминан икки баробар қисқартириш, янги-янги фазийеб масканларни ўрганиши имконини беради.

Хуллас, 2022 йил 11 август кўни эрталаб роп-па-роса соат еттида Зокиржон ака Машрабов бош-чилигида янги илмий сафарга отландик. Андижон-дан Асака орқали Қувага, Қува орқали Фарғонага йўл олдик. Фарғонанинг ёнбошида атоқли навоий-шунос, бобурушунос, бир йўлга уч олий ўқув юрти — Фарғона, Гулистон, Хўжанд университетлари дом-ласи Ваҳоб ака Раҳмонов кутиб турган экан. Дарҳол ҳазил-хузул билан йўлга тушдик. Риштоннинг бол томиб турган боғлари орқали Бешариққа йўл олдик. Бобур ҳазрат “Ёз бўлди-но, бўлди яна жаннат киби ёзи”, деган сатрини Риштон, Бешариқ боғларидек оромикон жойларга бағишлаган, “Ёз фасли, ёр вас-ли, дўстларнинг суҳбати”ни хуш қўрганлар.

Поёни йўқ боғу тоқзорлар орасидаги равон йўл-лардан ўтиб, Андархон чегара масканига етиб кел-дик. Икки томондаги чегара нозирлари ҳам Бобур фонди ва экспедиция раҳбарини яхши билар экан. У ёғию бу ёғи ярим соатлар ичида Тожикистон ҳуду-дига ўтиб олдик. Чегара масканининг икки томони-да турган нозирлар эҳтироми кайфиятимизни яна-да кўтарди. Тожикистон чегарасига кираверишдаги пешайвонда мазкур мамлакатнинг сайёҳлик хари-таси осиглиқ экан. Унда сайёрадаги энг қадимий



ТАРОВАТЛИ ТОЖИКИСТОН ЎЛКАСИГА ОСМОНЎПАР ТОҒЛАР ЕЛКА ТУТИБ ТУРАДИ. У ТОҒЛАР ТЕПАСИДАГИ МАНГУ МУЗЛИКЛАР МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ АКСАРИЯТ ХҲУДУДЛАРИГА ХАЁТ ВА НАЖОТ СУВИНИ ТАРАЙДИ. ЧЕГАРАДАН ЎТИШИМИЗ БИЛАН НИГОҲИМИЗ ЎША ЮКСАК ТОҒЛАРГА ТУШДИ. СЎҒД ВИЛОЯТИ ШИМОЛИДА ҚУРАМА ТИЗМАСИ ВА МЎҒУЛТОҒ ЯҚҚОЛ КЎРИНИБ ТУРИБДИ.

кент — Саразм қалъаси, Қалъаи Муғ, Абу Абдул-лоҳ Рудакий, Шамсиддин Табризий зиёратгоҳла-ри, жами 33 та тарихий қадамжо кўрсатилган. Чегара маскани нозир: “Холпасангиз, телефончи-гизда тасвирга олинг!” деди. Суратга олдим.

“Бисмиллаҳир роҳманиёр раҳийм” деб туғиш-ган эл Тожикистоннинг гўзал гўшаларидан бири — Сўғд вилоятига қадам қўйдик. Буюк Алишер Навоий бобомиз ибораси билан айтсак, ўзбек ва тожик диёрининг “тўрт унсури”, “етти кўйи” бир, “нодирю олий асоси коинот”, яъни инсонлари бир. Ўзбеклар бир ёқадан бош чиқариб Катта Фарғона каналини, тожиклар бир ендан қўл чиқариб Катта Ҳисор каналини қадқилар. Ер — ҳазина, сув гавҳар ҳисобланади. Беҳишт замин узра автоуловда бор-япмиз-у, дарҳол кўзим ўнг томонда чеки-чегараси йўқ тожик денгизи, яъни Қайроққум сув омборига тушди. 520 квадрат километрли сатҳли сув ҳавза-си, ҳақиқатан ҳам, одамнинг ҳайратини оширади.

Тароватли Тожикистон ўлкасига осмонўпар тоғлар елка тугиб туради. У тоғлар тепасидаги мангу музликлар Марказий Осиёнинг аксарият ҳу-дудларига ҳаёт ва нажот сувини тарайди. Чегара-дан ўтишимиз билан нигоҳимиз уша юксак тоғларга тушди. Сўғд вилояти шимолида Қурама тизмаси ва Мўғултоғ яққол кўриниб турибди. Қурама тизмаси

босилади. Лекин унғача экспедициянинг биринчи йўналиши бор. Биринчи йўналишнинг масофаси 200–220 километр атрофида. Харитга қарай-ман: Хўжанддан кейин Боғиқози, Фармонқўрғон, Седаста, Деҳимой, Қазнок, Қўлонбоши... Кейин Оқсув дарёси келади. Қум ирмоғи Зарафшонга қуйиладиган Хайробод қишлоғи яқинида жаҳон археологларининг тушига тез-тез кириб туради-ган Қалъаи Муғ бор. 1932 йили бир қўпон Қалъ-аи Муғда қадимий қўлвэзмалар солинган хужрун топиб олади. Қўҳна тиллар, шу жумладан, сўғд, хоразмий тиллари билимдонни, профессор Алек-сандр Фрейман келиб, Қалъаи Муғдаги 74 та сўғд-дий ёзувни шарҳлайди. Ёзувларнинг аксарияти Панжикент ҳўкмдори Деваширтининг архиви бўлиб чиқди. Яширишининг ҳожати йўқ: экспедициянинг бошқа аъзоларидан фарқли улароқ, қамина Қалъ-аи Муғда бўлмаганман. Лекин ҳозир раҳбаримиз-нинг ҳам, бизнинг ҳам бутун ҳаёлимиз Шамтучга, у ердаги Бобур Мирзо тошбитигига қаратилган. Шу боис, Қалъаи Муғ тўғрисида сўзлаб ўтирмадим.

Хўжанддан 177 километр юрғач, Айний шаҳар-часига кириб келдик. Аввал туман Захматобод деб номланган. 1954 йили ҳозирги замон тожик ва ўзбек адабиётлари асосчиларидан бири, Тожики-стон ҒА президенти, атоқли адиб Садриддин

Айний вафот этади. 1955 йили Захматобод туман-ига Айний номи берилади.

Илгари бу ердан ўтганимизда қадимий Варзи-минорни кўрардик. Бу гал вақтимиз тиғиз. Бизнинг бош мўлжалимиз — тоғлар бағридаги хушманза-ра, оғушига минг сир-синаотни яширган Шамтуч қишлоғи. Қўлоқларим остида аввал эшитган қў-шиғимнинг сатрлари жаранлагандек бўлди:

“Ту зебаманзару зебои Шамтуч,
Ту хуснубоду хуснори Шамтуч...”

Хўжанд — Душанбе йўлидан чапга, Шамтуч томонга бурилдик. Зарафшон дарёсининг ўнг қирғоғидаги тор йўлдан имиллаб юриб боряпмиз. Ана, аввал қадимий ва навқирон Рарз қишлоғи кўринапти. Муштарий учун маълумот тариқасида келтириб ўтишим керакки, Рарз — бу Айний туман-идаги жамоат. Унинг таркибига Рарз, Гузарй Бод, Испан, Похут, Сайрон, Фатмев, Фатмовут, Ша-вадки Боло, Шавадки Поён қишлоқлари киради. Шамтуч ҳам шу тумандаги жамоат бўлиб, унинг таркибиди Шамтуч, Дарғ, Вешаб, Каздон, Ўтоқар, Ғазо каби қишлоқлар бор. Бу жойлар олтин узук бўлса, Шамтуч унинг олмос кўзидур.

Шамтучда Спитамен замонидан буён биродар-ларимиз яшайди. “Шамтуч” сўд тилида “минг бир бўлоқ” ёки “минг бир чашма” маъносини англа-тади. Ҳар қадамда бўлоқ, ҳар қоя остида чашма. Шамтуч шаршаралари эса кино тасмаларида ҳам намоиш этиляпти. Илдизлири буюк тоғларнинг тилло тупроғидан, минг бир чашманинг мусаффо суваридан куч олган терақлар, тоғлар Шамтучда. Етти иклимнинг энг ширин зардолиси, яъни ўриги Шамтучда. Шамтуч Аллоҳ томонидан Зарафшон тоғ тизмасига яшил либос бўлиб қўндирилган. Сўз-ларимизнинг исботи учун келтириб ўтайлики, қўш-ни Каздон қишлоғи ҳудудида 350 та бўлоқ, 12 та сой бор. Зарафшон дарёсининг ибтидосидан то Айний шаҳарчасигача бўлган қишлоқларда иродаси тоғлар тошидек метин, ўз тоғлари, ўз боғлари, ўз бўлоқла-ри, ўз ўтлоқларини севган биродарларимиз яшайди.

Биз Испандан ўтаётганимизда кўеш тоғ ортига яшириниб, намозшўн ўз қодирини ёя бошлади. Бу йўлдан биринчи бор ўтаётганимиз учун уч-тўрт



Тошбитик ва сафар иштирокчиларининг қишлоқ аҳолиси билан тушган сурати.

одамдан Шамтучни сўрадик. Кимдир 5 километр, биров 12 километр қолди, деди. Фақат Похут қи-шлоғида трактор моторини текшираётган йигит “чихл километр”, деди. Демак, кирк километр қо-либди. Бизга қолса, қанийди, бир қақиримдан кейин Шамтучга етсаг-у, бир тоғнинг соясидаги майсага ёнбошлаб дам олсак, бўлоқларнинг сув-ларидан симириб-симириб ичсак.

Йўл азоби — гўр азоби. Сайронга етганимизда устоз Ваҳоб Раҳмон жонланиб кетди: “Зокиржон ака! Биз бу ердан ўтанмиз. Эсингиздами, эшақда хашақ олиб кетаётган ёшгина қиз эгарда ўтириб китоб ўқиб кетаётувди. Аниқ эсимда қолган. Де-мак, Шамтучга бир қадам қолди”, деди.

Икки қақирим пастда Зарафшон узанига сиг-май қайирмоқда. “Жил” соатига 8–10 километр тезлик билан ҳаракатланыпти. Йўл юриб, йўл юр-сак ҳам мўл юриб Вешаб қишлоғига яқинлашдик. У бутун Тожикистонга жаннатонад боғлари ва Мавлоно Шамсиддин Мухаммад Ибн Али Ибн Ма-лиқод Табризий мақбараси билан маълум. Ма-шинани тўхтадиб, Ваҳоб ака шу ерлик ўсимрлар-дан Шамтучга қанча қолганини сўраганида улар ҳувиллашиб, “Бизда тунанлар. Ҳар бирингизга 10 сомоний тўлайсизлар. Нархни сал пайсайтира-миз”, дейишди.

Устоз уларнинг гапларини таржима қилғач, сарбонимиз “Худо ҳайрингизни берсин, мусофир-лар, муслмонлар, манзилга етиб олайлик!” деди. Бир овоздан “Хўп, хўп!” дедик. Ўсимрлардан бири замонавий мотоцикл — скутерни, яна бири ғуна-жинни ушлаб туришарди. Вешабда уйлар тоғ қия-лигида худди Қашқадарёдаги Филон (бу қишлоққа фақат ёзда бориш мумкин)дагидек “устма-уст кўчалар” тарзида қурилган.

“БОБУР МИРЗОНИНГ ЎЗИ “БОБУРНОМА”ДА ОББУРДОН ТОШБИТКЛАРИНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ ҲАҚИДА БУНДАЙ ЁЗАДИ: “БИР НЕЧА КУНДАН СЎНГ ДАҲҚАТГА ҚАЙТИБ КЕЛДИМ. БАҲОР БОШЛАНИШИ БИЛАН ШАЙБОҚХОННИНГ ЎРАТЕПА УСТИГА КЕЛИШИ ҲАҚИДА ХАБАР БЎЛДИ. ДАҲҚАТ ТЕКИС ЕР БЎЛГАНИ УЧУН ОББУРДОН ДОВОНИ БИЛАН ТОҒЛИ МАСЧОГА ОШДИК. МАСЧОНИНГ ПАСТКИ КЕНТИ ОББУРДОНДИР”.

Ўстунақдан ўтиб Шамтучга кирдик. Тун қор-нугси тушган бўлса ҳам зебо манзаралари сезилиб турган қишлоқ аҳли уй-уйига тарқаган пайт. Соат 21 дан ўтибди. Қишлоқ марказида тўх-тадик. Бир неча енгил, бир неча юк машинаси ту-рибди. Қўрбон исмли ҳайдовчи билан танишдик, мақсадимизни айтдик. У “Ҳозир жамоат раисини қақираман!” деди рус тилида. Ўн-ўн беш дақиқа ичида “Тожикистон” қолхози раиси, дилкаш йи-гит Нажмиддин Одинаев, қишлоқ оқсоқоли Га-домухаммад Мухаммадалиев ва бошқалар етиб келди. Гўё юз йилдан буён таниш-билишдек кўри-ша кетдилар. Нажмиддин ака “Хуш келибсизлар! Бемалол дам олишингиз учун икки уйга жойлаша-сизларми?” деб сўради. У ўзбек тилини ҳам, рус тилини ҳам яхши билар экан. Мен “Иложи бўлса бир жойда дам олсак!” дедим. Бу гап раҳбаримиз-га ҳам маъқул келди.

Уч дақиқалик ўзаро “муҳокама”дан кейин қиш-лоқ оқсоқоли Гадомухаммад аканинг янги уйини таллашди. У ерга бизни Нажмиддин ака ва беш-олти шамтучлик бир неча машинада кузатиб бор-ди. Янги уйнинг каттакон хонасидаги узун хонтах-тани кўриб оғизмиз очилиб қолди. Гадомухаммад ака мобилъ телефон орқали ўғилларига тайин-лаган шекилли, дастурхонга нон, қанд-қўрсдан ташқари бир неча хил янги пишган ўрик, бир неча хил туршак, олма, майиз қўйишибди. Лаган, лаган-да ҳўл ва қуруқ мевалар. Энг муҳими, Гадомухам-мад аканинг, ўғилларининг юзида ташрифимиз-дан мамнулик ёғдуси балқиб турибди.

Тонг оқарганда туриб қишлоққа назар солдим. Тоғдан енгил эпкин эсди. Яқинроқ чашмага бориб сув ичдим. Роҳатланиб ичдим. Фаҳрланиб ичдим. Гадомухаммад ака, Нажмиддин аканинг юзлари-даги мамнулик нурини англадим. Бу ерга келиш учун равон йўл йўқ. Лекин бундай топ-тоза ҳавони, тип-тиник сувини, жаннат меваларини қаердан то-пасиз? Бобур ҳазрат беҳиз бу ерларда ялангоёқ юрмаган, бежиз бу ерларни севиб қолмаган. Тоғ-ликларда тоғдек гурур бўлади. Улар Бобур ҳаз-ратга меҳр, нон-туз, бошпана берганлари билан гурурланадилар.

Нонушта чоғи Гадомухаммад ака ва ўғиллари ҳаммаимизни қайноқ чой, қаймоқ, тоғ асали билан сийлади. Мевалар янгилидди. Исикк нонлар қў-йилди. Бунга уларнинг инсоний меҳрлари тафти-ни қўшсак, тоғ-тоғ олтини бўлган подшоларнинг дастурхони ҳам бунчалик тотли бўлмаган. Кечаги чароқлар ёзилди, йўл машаққатлари бир оз уну-тилди. Шамтучнинг ҳавоси билан суви ҳар қандай қурортниқидан афзал. Одамлари-чи? Шоҳона но-нуштани баҳам кўриб, қишлоқ марказига тушсак, устоз педагог Ҳожилатиф Каримов, унинг шогир-ди Ниёзмухаммад Сафаров, жами 4-5 уй таом тайёрлашибди. Ҳаммасига чин кўнгилдан раҳмат айтдик. Зокиржон ака: “Мен дунё кўрган одамман. Умиримни Бобур ҳазратлари учун бахш этганман. Сизларнинг бу улуг зотга эҳтиромингиз ҳар қандай муқофотга арзигулиқдир. Аллоҳ ҳар бирингизнинг уйингизга баракка, ўзарингизга метин соғлиқ, бо-лаларингизга бахт берсин. Тўйларингизга келай-лик. Энди, йўл олиб бўлгани учун шоҳ ва шоир тошбитигини тавоф қилсак-да, бизларга рухсат берсангизлар!” деди.

Ҳаммамиз биргалашиб Ғуристони Дурустга бордик. У ердан Шамтучни Шамтуч қилган зотлар-дан бир қанчаси қўним тоғпан. Ҳожилатиф Шариф ўғли бизларни тим қора қайроқтошлардан иборат қояга олиб борди. Чўнтагидан топ-тоза дастурмо-лини олиб бир қайроқтошни обдон тозалай ва кўз ўнгимизда Бобур ҳазратларининг тошбитиги кўринди:

*Кофиро, мардум шикоро,
як замон оқистатар,
К-оҳуи бечораро тоби
тири туркон тоб нест.
Ҳараруҳу Бобур 907 ҳижрий
Катабаи мирам Бобурхон.
Халабаллаҳу Мулкаҳу ва Султанаҳу.
Таржимаси:
Эй кофир, эй одам овчиси,
бир лаҳза шошма,
Шўрлик оҳу турк ўқиға беролмас бардош.
Мен Бобур битдим. 907 ҳижрий.
Амирим Бобурхоннинг битиғи. Аллоҳ
унинг мамлакати ва подшоқлиғини боқий ай-
ласун.*

Шоҳ ва шоир 1502 йили ёзган тошбитик Аллоҳ-нинг амри билан 2022 йилга етиб келди. 520 йил шамоллардан, ёмғирлардан, довуллардан, дўл-лардан бешикаст ўтди. Энди уни яна минг йиллар давомида келгуси наслларга етказиш керак.

Зокиржон ака, Ҳожилатиф домла, устоз Ваҳоб Раҳмон шу ҳақда гапиришди. Мен чуқур ўйга топ-дид. Бобур ҳазратлари ёзган байтнинг замири-да не яширин сир бор? Бобур ҳақида ёзаётган “Буюк Бобур” романининг бир боби тўлалигича шу ҳақда бўлмоғи лозим. Олжанаоб, баркикенг, танти шамтучликлар билан илқ ҳайрлашиб, қар-дош давлатнинг пойтахтига отландик. Душанбега боргунча 39 та ерости йўлидан ўтдик. Икки соат ичида Душанбега кириб бордик. “Тошкент” номли ош маркази бор экан. Ҳамроқлар буги чиқиб тур-ган тошкентча ошни паққос туширидилар. Довон йўллари мени толиқтирган эди. Сарбон Тавил-дара сафари ўрнига “Душанбе” меҳмонхонасида тин олиб, музей ва кутубхоналарда иш қилишни топишди. Ўшарган Душанбени айландим. Тожи-кистон Миллий музейининг янги биносига бордим. Музей экспонатлари ичида Бобурнинг тошбитиги борлиги хурсанд қилди. Гўзал диёрнинг қўл томо-нига бормайлик, ҳаёлимизда Бобур ҳазратлари-нинг сўнамс сиймоси бўлди, сафаримиз ниҳоятда завқли ўтди!

**Янгибой ҚўЧҚОРОВ,
Халқаро Бобур фонди
Қорақалпоғистон бўлими
раҳбари, Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган маданият ходими**